

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
*УДК:332 (560)*  
*ББК:65.32 (5)*  
*Х-39*

**ХАСАНОВ ЎКТАМ РАХМАТЖОНОВИЧ**

**ТУРКИЯДА АГРАР СЕКТОР РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Мутахассислиги: 5A231001 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва  
мамлакатшунослик (Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар:  
и.ф.н., доц. Эрмаматов Ш.Ж.

**ТОШКЕНТ – 2013**

## Магистрлик диссертацияси ҳимояга тавсия этилади

Магистратура бўлими

бошлиғи

Сайдазимова У.Т.

## **МУНДАРИЖА**

|                                                                                                                                        |           |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>КИРИШ.....</b>                                                                                                                      | <b>3</b>  |
| <b>1-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА АГРАР СЕКТОР<br/>РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....</b>                                      | <b>8</b>  |
| 1.1. Аграр ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.....                                                                               | 9         |
| 1.2. Ихтисослашув ва мужассамлашув жараёнларининг аграр ишлаб<br>чиқариш самарадорлигига таъсири .....                                 | 23        |
| <b>2-БОБ. ТУРКИЯДА АГРАР СЕКТОР РИВОЖЛАНИШИНИНГ<br/>ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....</b>                                                    | <b>38</b> |
| 2.1. Туркия Республикаси иқтисодиётида аграр секторнинг тутган ўрни<br>ва роли.....                                                    | 38        |
| 2.2. Туркияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш<br>динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар.....                              | 45        |
| <b>3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АГРАР ИСЛОҲОТЛАРНИ<br/>ЧУҚУРЛАШТИРИШДА ТУРКИЯ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ<br/>ИМКОНияТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....</b> | <b>52</b> |
| 3.1. Ўзбекистонда аграр ривожланиш бўйича хорижий мамлакатлар<br>тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари.....                             | 52        |
| 3.2. Ўзбекистон иқтисодиётида аграр ислоҳотларни чуқурлаштириш<br>истикболлари.....                                                    | 62        |
| <b>ХУЛОСА.....</b>                                                                                                                     | <b>81</b> |
| <b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>                                                                                           | <b>86</b> |

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси жаҳон тажрибасини рад этмаган ҳолда ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини ишлаб чиқди. Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон мамлакатлари билан кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва уларда тўпланган ҳаётий тажрибалардан республикада барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш, хусусан мамлакат иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган аграр секторни замонавий босқичга олиб чиқиш амалиётида фойдаланиш масаласига алоҳида аҳамият бериб келмоқда.

Қишлоқ хўжалиги – Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади ва мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашёга бўлган талабини қондириб келади. Ҳозирги кунда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 17,1 фоиздан кўпроғи қишлоқ хўжалигида яратилмоқда<sup>1</sup>. Пахта, ипак, қорақўл тери, мева-сабзавот, полиз ва бошқа турли хилдаги маҳсулотларни ташқи бозорларга экспорт қилиш натижасида мамлакатимизнинг валюта захиралари мустаҳкамланмоқда. Аграр соҳада қарийб 3 млн. киши меҳнат билан банд. Бу мамлакатимиз иқтисодиётида банд бўлганларнинг 28,0 фоизини ташкил қилади<sup>2</sup>.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда тармоқнинг ер-сув, меҳнат ва бошқа ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз, албатта. Айниқса, республикаимизнинг суғориладиган ерларидан фойдаланиш самарадорлигини юксалтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини ошириш масаласи ўта долзарб вазифага айланиб бормоқда. Айни пайтда, хорижий мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёт моделларини, хусусан, Туркия Республикаси иқтисодиёти ва унда

---

<sup>1</sup> Абдуғаниев А., Салимов Б.Т., Юсупов М.С. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш – қишлоқ хўжалиги салоҳиятини ошириш омили. – Т.:Иқтисодиёт. – 2008. – Б. 4.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

аграр секторнинг ривожланиш тажрибасини ҳар тарафлама чуқур ўрганиш, унинг ижобий жиҳатларидан республикамиз амалиётида унумли фойдаланиш талаб этилади ва бу ҳолат мазкур магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини белгилайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Аграр муносабатларни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини рағбатлантиришнинг назарий-услубий масалалари хорижлик иқтисодчи-олимлар – Баденко В., Бороздин С., Вильямс В., Гарманов В., Коваленко Н., Кухтин П., Левов А., Осипов Г., Попов Н., Петранева Г.А., Семкина О., Цыпкин М<sup>3</sup>. ларнинг илмий ишларида кенг ёритилган.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аграр соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари, аграр ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари ва истиқболлари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришнинг илмий-амалий жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодчи-олимлари — Абдуғаниев А.А., Алтиев А., Жўраев Ф., Исмоилов А., Маматқулов А., Умирзоқов Ў., Фармонов Т., Хусанов Р., Хушматов Н., Чориев Қ., Қаюмов Ф<sup>4</sup> ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Юқорида номлари келтирилган олимларнинг аграр соҳани ривожлантиришга қўшган ҳиссаларини эътироф этган ҳолда шуни қайд этиш

---

<sup>3</sup>Баденко В.Л., Гарманов В.В., Осипов Г.К. Государственный земельный кадастр – СПб.: Питер, 2007. – 320 с.; Бороздин С.В. Земельные отношения и аграрные реформы. - М.: 2002. – 239 с.; Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. – М., ЮНИТИ, 1999. – 448 с.; Кухтин П.В., Левов А.А., Лобанов В.В., Семкина О.С. Управление земельными ресурсами. – СПб.: Питер, 2005. – 384 с.; Попов Н. Стимулирующая роль кадастровой экономической оценки сельскохозяйственных угодий /Доклады Российской академии сельскохозяйственных наук. –М., 2004. – №1 – с. 20-21.; Коптев-Дворников В., Цыпкин М. Оценка земель сельскохозяйственных предприятий. – М., ЮНИТИ, 2000. – 119 с.

<sup>4</sup>Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т., ТДИУ, 2004. - 304 б., Алтиев А.С. Повышение экономической эффективности использования орошаемых земель в новых условиях хозяйствования. Автореф. дис. ...кан. экон. наук. –Самарканд, 1993. - 22 с., Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. –Т., Истиклол, 2004.-340 б., Исмоилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. -Т. 2003. - 430 б., Умирзоқов Ў ва бошқа. Фермер хўжалиги иқтисодиёти.-Т.: Иқтисод-молия. 2007.-228 б., Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликлари ривожлантириш истиқболлари. -Т., Янги авлод, 2004. -143 б., Хусанов Р.Х ва бошқа. Агросаноат комплекси иқтисодиёти. Тошкент., 2003. -764 б., Чориев Қ., Хушматов Н.С. Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш. –Т.: Шарқ, 2002. - 32 б., Қаюмов Ф.К. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку. –М. ИПО Полигран, 1992. -160 с.

лозимки, Туркия Республикасида аграр секторни ривожлантириш масалалари мамлакатимиз иқтисодий адабиётида етарли даражада ўрганилмаган.

**Магистрлик диссертациясининг мақсад ва вазифалари.** Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади Туркияда аграр ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва ушбу соҳада Туркия тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга мувофиқ ишда қуйидаги вазифалар қўйилган:

- турли адабиётлар ва манбаларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида аграр ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;
- ихтисослашув ва мужассамлашув жараёнларининг аграр ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири йўналишларини ёритиб бериш;
- Туркия Республикаси иқтисодиётида аграр секторнинг тутган ўрни ва ролига баҳо бериш;
- Туркияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси ва унга таъсир этувчи омилларни бир тизимга келтириш;
- Ўзбекистонда аграр ривожланиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсиялар тайёрлаш;
- Ўзбекистон иқтисодиётида аграр ислохотларни чуқурлаштириш истиқболларига баҳо бериш.

**Магистрлик ишининг объекти** сифатида Туркия Республикаси аграр ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари танлаб олинди.

**Магистрлик диссертациясининг предмети** бўлиб аграр секторни ривожлантириш йўллари ва усуллари ҳисобланади.

**Магистрлик диссертациясининг асосий масалалари ва фаразлари (гипотезаси).** Магистрлик диссертациясида аграр ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, ихтисослашув ва мужассамлашув жараёнларининг аграр ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири, Туркия Республикаси иқтисодиётида аграр секторнинг тутган ўрни ва роли, Туркияда қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар, Ўзбекистонда аграр ривожланиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш, Ўзбекистон иқтисодиётида аграр ислохотларни чуқурлаштириш истиқболларига баҳо бериш каби масалалар кўриб чиқилади.

**Тадқиқотнинг гипотезаси** шундан иборатки, аграр муносабатларни такомиллаштириш мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишга, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

**Магистрлик диссертациясининг назарий-услубий асоси** бўлиб ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш, аграр ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарларида илгари сурилган ғоялар, йирик иқтисодчи-олимлар томонидан яратилган илмий концепциялар хизмат қилди. Шунингдек, тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан ҳам кенг фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида меъёрий, таққослаш, гуруҳлаш, ҳисоб-конструктив ва бошқа усуллар қўлланилди.

**Магистрлик диссертациясининг ахборот базаси** сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Туркия Республикаси статистика институти ҳамда МДХ Давлатлараро статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилди.

**Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги.** Магистрлик диссертациясининг илмий янгилик хусусиятларига эга жиҳатлари қуйидагиларда ўз аксини топади:

- турли иқтисодий адабиётлар ва манбаларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида аграр ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган;
- ихтисослашув ва мужассамлашув жараёнларининг аграр ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири асослаб берилган;
- Туркия Республикаси иқтисодиётида аграр секторнинг тутган ўрни ва ролига баҳо берилган;
- Туркияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар бир тизимга келтирилган;
- Ўзбекистонда аграр ривожланиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган;
- Ўзбекистон иқтисодиётида аграр ислохотларни чуқурлаштириш истиқболларига баҳо берилган.

**Ишнинг амалий аҳамияти.** Диссертацияда илмий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикасида аграр ислохотлар самарадорлигини оширишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин. Шунингдек, магистрлик диссертацияси материалларидан “Туркия Республикаси иқтисодиёти”, “Аграр иқтисодиёт” каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилиши.** Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган.

**Биринчи бобда** турли иқтисодий адабиётлар ва манбаларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида аграр ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари

очиb берилган, ихтисослашув ва мужассамлашув жараёнларининг аграр ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири асослаб берилган

**Иккинчи бобда** глобаллашув шароитида Туркия Республикаси иқтисодиётида аграр секторнинг тутган ўрни ва ролига баҳо берилган, Туркияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар бир тизимга келтирилган.

**Учинчи бобда** Ўзбекистонда аграр ривожланиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган, Ўзбекистон иқтисодиётида аграр ислохотларни чуқурлаштириш истиқболларига баҳо берилган.

Ишнинг **хулоса** қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиқувчи асосий таклиф ва тавсиялар умумлаштирилган.

## **1-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА АГРАР СЕКТОР РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

### **1.1. Аграр ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари**

Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар тизимида аграр ислохотлар алоҳида аҳамиятга эга. Бу, энг аввало, аграр ишлаб чиқаришнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва роли билан белгиланади. Аграр муносабатларнинг асосини ер муносабатлари ташкил этади. Ер ҳар қандай давлат миллий бойлигининг муҳим манбаси ва моддий неъматлар ишлаб чиқаришнинг табиий асоси ҳисобланиб, жамият мавжудлигининг асосий шартидир.

Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида алоҳида ўрин тутади. Ишлаб чиқариш соҳалари нуктаи назаридан ернинг аҳамияти турлича. Саноатда у асосан корхона жойлашуви учун макон вазифасини бажарса, қишлоқ хўжалигида ернинг аҳамияти жуда салмоқли. Ер қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун маконгина бўлиб қолмай, балки бир пайтнинг ўзида ҳам меҳнат предмети ва воситаси, ҳам асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Инсонларнинг меҳнат қуроллари воситасида ернинг юқори қатлами, яъни тупроққа ишлов бериш жараёни ерни қишлоқ хўжалигининг меҳнат предмети сифатида гавдалантиради. Тупроққа ишлов бериш жараёнида инсонлар унинг механик, табиий ва кимёвий хусусиятларидан фойдаланиш орқали унда экилган экинларнинг ўсишига ва ривожланишига керакли шарт-шароитларни таъминлаб берадилар. Бунда ер меҳнат воситаси сифатида катнашади.

Шундан келиб чиққан ҳолда ер қишлоқ хўжалигида фаол ишлаб чиқариш воситасига айланади. У меҳнат жараёнининг зарурий моддий шарт-шароити, ишлаб чиқаришнинг энг муҳим омили сифатида майдонга чиқади.

Ер қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқарилмайдиган ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. У қишлоқ хўжалигида алоҳида, ягона, оригинал ва алмаштириб бўлмайдиган ишлаб чиқариш воситасидир.

Ернинг бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фарқли бир қатор хусусиятлари мавжуд бўлиб, бу хусусиятлар қишлоқ хўжалиги юритиш самарадорлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатади<sup>5</sup>:

Биринчидан, бошқа барча ишлаб чиқариш воситалари инсонлар меҳнати маҳсули ҳисобланса, ер табиатнинг узоқ йиллик табиий-тарихий ривожланиш маҳсули ҳисобланади. Ерни ишлаб чиқаришга инсон меҳнати сарфланмаганлиги туфайли унинг қиймати мавжуд эмас. Шу сабабли ердан фойдаланиш жараёнида унга амортизация ажратмалари ажратилмайди ва у маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайди.

Иккинчидан, ерни бошқа ишлаб чиқариш воситалари сингари техник нуқтаи назардан мукамалроқ ишлаб чиқариш воситасига алмаштириб бўлмайди. Масалан, кўплаб ишлаб чиқариш воситалари илмий-техника тараққиёти натижасида такомиллашади. Тупроқ юзасига ишлов берувчи ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиши энг содда мотигалардан бошланиб ҳозирги замонавий плугларгача ўзгариб келган. Бошқа кўплаб ишлаб чиқариш воситалари доимий жой билан боғлиқ бўлмаса, ер муқим бўлганлиги туфайли бир жойдан иккинчи жойга кўчириб бўлмайди. Ер ресурсларидан фақат жойида фойдаланиш мумкин, холос;

Учинчидан, ер ресурслари маконда чекланган ва унинг юзасини кенгайтириш имконияти йўқ. Умуман қуруқлик юзаси 134 млн км<sup>2</sup> (13,4 млрд

---

<sup>5</sup>Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. –Т.: Истиклол, 2004. – 340 б.; Зокиров О., Пардаев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: ЎАЖБНТ маркази, 2003. – 455 б.; Исмоилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. – Т., 2003. – 430 б.; Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. – М., ЮНИТИ, 1999. – 448 с.; Умирзоков Ў. ва бошқа. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 228 б.; Хусанов Р.Х. ва бошқа. Агросаноат комплекси иқтисодиёти. – Т., 2003. – 764 б.; Серова Е. Аграрная экономика: Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М., 2008. – 225 с.; Хакимов Р., Отакулов М., Юсупов Е., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. –Т.: ТДИУ, 2004. – 160 б.; Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Хакимов Р.Х., Ўроков Н.И., Арипов И.М. Жаҳон қишлоқ хўжалиги. – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.; Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.

гектар)ни ёки умумий ер юзасининг 29,2 фоизини ташкил этади. Ер юзасидаги жами куруқликнинг қарийб 20 фоизини чўллар, 20 фоизга яқинини саванналар ва чала чўллар ташкил этади. Куруқликнинг 28 фоизини ўрмонлар қоплаб олган бўлса, тоғлар жами куруқликнинг қарийб 1/3 қисминини эгаллаб олган. Дунё бўйича қишлоқ хўжалиги соҳасида 30 фоиз ердан фойдаланилса, ҳайдаладиган ерлар 10 фоизни ташкил этади, холос<sup>6</sup>. Жаҳон бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача ҳайдаладиган ер майдони 0,3 гектарни ташкил этади. Жумладан, АҚШда бу кўрсаткич 0,79 гектарга, Канадада 1,79 гектарга, Францияда 0,32 гектарга, Хитойда 0,09 гектарга, Японияда 0,03 гектарга тенг<sup>7</sup>.

Тўртинчидан, алоҳида ер участкалари ўз унумдорлигига кўра бир хил эмас. Баъзи ер участкалари озуқа моддаларининг кўплиги билан ажралиб турса, бошқалари намлик билан яхшироқ таъминланган, яна бошқалари эса умуман ўзига хос тупроқ таркибига эга. Бунинг натижасида бир бирлик ер участкаси ҳисобига бир хил харажат ва меҳнат сарфланса ҳам олинадиган маҳсулот ҳажми турлича бўлади.

Бешинчидан, ердан оқилона фойдаланилганда унинг сифати пасаймайди, балки мунтазам ошиб боради. Ернинг ушбу хусусияти унинг унумдорлиги билан белгиланади. Тупроқнинг унумдорлиги эса ерни ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан биридир, яъни тупроқ унумдорлиги ердан самарали фойдаланишни таъминловчи асосий омилдир.

Ернинг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида юқорида қайд этилган барча хусусиятлари ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатади. Инсон тупроқ унумдорлигига фаол таъсир кўрсатиши мумкин. Бу таъсир даражаси ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш ҳолати, уларнинг қишлоқ хўжалигида технологик қўлланилишига (фан ва

---

<sup>6</sup> [http://www.globaltrouble.ru/ekologiya\\_atmosfery\\_gidrosfery\\_pedosfery/zemel\\_nyy\\_fond\\_mira.html](http://www.globaltrouble.ru/ekologiya_atmosfery_gidrosfery_pedosfery/zemel_nyy_fond_mira.html)

<sup>7</sup> <http://www.priroda.ru/regions/earth/>

техника натижаларидан, ишлаб чиқаришнинг илғор технологиялари ва бошқарув усулларидадан фойдаланиш ва бошқаларга) боғлиқ.

Тупроқнинг унумдорлиги кенг қамровли тушунчадир. Унинг моҳияти тупроқнинг ўсимликларни бутун ўсиш ва ривожланиш даврида озуқа ва сувга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш қобилияти билан тавсифланади. Тупроқнинг унумдорлик ҳолати ўзгарувчандир. Шу сабабли ишлов берилган тупроқнинг унумдорлиги фақат унда озуқа моддалари, намликнинг мавжудлиги, таркибий ҳолати ёки бошқа табиий омилларгагина эмас, балки тупроққа ишлов бериш ва экинларни суғориш жараёнида (мелиоратив тадбирларни ўтказиш, органик ва минерал ўғитлар солиш ва ҳ.к.) сарфланадиган қўшимча харажатларга ҳам боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, унумдор тупроқлар табиий ва иқтисодий жараёнларнинг ўзаро таъсири натижаси ҳисобланади.

Инсон меҳнати тупроқ унумдорлигини шакллантирувчи асосий омил вазифасини бажаради. Тупроқдан қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш жараёнида инсоннинг унга мунтазам ва ҳар томонлама таъсир кўрсатиши натижасида тупроқ нафақат табиий хусусиятларга эга бўлади, балки маълум маънода инсон меҳнати маҳсулига айланади.

Инсоннинг меҳнат фаолияти орқали тупроқ унумдорлигига фаол таъсири ҳосилдорлик, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосини ташкил этади. Ушбу таъсир даражаси эса ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига ва уларни амалга оширишда мавжуд бўлган объектив шарт-шароитларга боғлиқ.

Иқтисодий адабиётда тупроқнинг табиий, сунъий ва иқтисодий унумдорлиги ажратиб кўрсатилади<sup>8</sup>. Тупроқнинг табиий унумдорлиги узок вақт давомида тупроқ таркибида шаклланиб боровчи жараёнлар натижасидир, яъни у тупроқнинг кимёвий, жисмоний, биологик ва бошқа

---

<sup>8</sup> Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. –Т.: Истиқлол, 2004. – Б.34.; Зокиров О., Пардаев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: ЎАЖБНТ маркази, 2003. – Б.45 б.; Исмоилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. – Т., 2003. – Б.43 б.

хусусиятлари, иқлим шароити билан белгиланиб, тупроқда мавжуд табиий озуқа захирасида ўз аксини топади. Тупроқда мавжуд озуқа захираси миқдорига қараб ерларнинг унумдорлиги ҳам турлича бўлади. Натижада, ерларни нисбатан юқори ёки паст унумли гуруҳларга ажратиш мумкин. Тупроқнинг табиий унумдорлиги ерларнинг потенциал сифатини ифодалайди. Улардан амалиётда фойдаланиш даражаси агрономия, агрокимё, ерлар механизацияси ҳамда фан ва техниканинг бошқа натижалари билан белгиланади. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг муҳим вазифаларидан бири тупроқнинг табиий унумдорлигидан тўлиқ ва оқилона фойдаланишдан иборат.

Тупроқнинг сунъий унумдорлиги инсоннинг деҳқончилик маданиятини яхшилаш борасида олиб борган фаолияти ва қўшимча харажатлари натижасида шаклланади. Деҳқончилик юритиш амалиётида мазкур унумдорлик мелиоратив ва тупроқни муҳофазалаш ишлари, органик ва минерал ўғитлар киритиш ва бошқа тадбирлар олиб бориш орқали таъминланади. Натижада ишлов берилган тупроқнинг юқори унумдорлигига эришилади. Ўз навбатида ушбу натижа ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади.

Тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги табиий ва сунъий унумдорликлар ягоналигининг ифодасидир. Улар бир-бирлари билан ёнма-ён ёки алоҳида эмас, балки ўсимликларнинг озуқаланиши ва ҳаётининг табиий ягона жараёнида мавжуд бўладилар, яъни, бир томондан, инсон меҳнати таъсирида табиий унумдорликда тегишли ўзгаришлар содир бўлади, иккинчи томондан, ердан узоқ муддатларда фаол фойдаланиш натижасида сунъий унумдорлик табиий унумдорлик билан чамбарчас боғланиб кетади. Шундай қилиб, ердан фойдаланиш жараёнида табиий ва сунъий унумдорлик ўртасидаги чегаралар аста-секинликда барҳам топиб, улар ягона, тугалланган кўринишга эга бўладилар.

Кўриниб турибдики, тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги ернинг ишлаб чиқариш хусусиятларини тўлиқ ва ҳар томонлама акс эттиради. Ўз моҳиятига кўра у ернинг табиий унумдорлигини сақлаш, самарали фойдаланиш ва оширишни кўзда тутди. Дехқончилик юритиш тизимини такомиллаштириш ва кўшимча харажатлар киритиш натижасида ўсимликлар томонидан озуқа моддаларини ўзлаштиришнинг ошишига фақатгина тупроқда уларнинг миқдорини кўпайтириш орқали эмас, балки тупроқ режимини оптималлаштириш ҳамда экинлар озукланиш унсурлари таркибининг яхшиланиши эвазига ҳам эришилади. Шундан келиб чиқиб, тупроқ сунъий унумдорлигининг оширилиши унинг табиий унумдорлигидан самаралироқ фойдаланишни таъминлаб беради. Бу эса, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бирлигини ифодалайди.

Ернинг ишлаб чиқариш хусусияти сифатидаги тупроқ унумдорлиги ердан фақатгина қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилгандагина гавдаланади, яъни унинг натижаси етиштирилган маҳсулотда ўз аксини топади. Ҳосилдорлик иқтисодий унумдорликнинг нисбатан объектив кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Тупроқнинг иқтисодий унумдорлигини таққослаш учун “унумдорлик даражаси” кўрсаткичида фойдаланилади. Ушбу кўрсаткич бир бирлик ер майдони ҳисобига тўғри келадиган етиштирилган дехқончилик маҳсулоти (мутлақ унумдорлик) ҳажми ёки худди шундай маҳсулотни ер майдонларини сифатини ҳисобга олган ҳолда (нисбий унумдорлик) ишлаб чиқаришни ифодалайди. Қишлоқ хўжалиги амалиётида бир бирлик харажат ҳисобига олинадиган дехқончилик маҳсулотларини ифодаловчи кўшимча кўрсаткичдан ҳам фойдаланилади. Лекин ушбу кўрсаткичда тупроқнинг табиий унумдорлигидаги фарқлар нисбатан барқарорроқ акс этади.

Демак, тупроқ унумдорлиги ернинг ишлаб чиқариш хусусиятларини ифодалаб, ердан фойдаланиш самарадорлигининг асосий мезони ҳисобланади.

Ерлардан оқилона фойдаланиш ва унинг унумдорлигини доимий тарзда ошириб бориш ягона ер кадастри асосида ерларнинг миқдори ва сифатини ҳар томонлама ҳисобга олишни ташкил этишни тақозо этади. Давлат ер кадастри ерларнинг ҳуқуқий режими, ер эгалари ва ер тоифалари бўйича уларнинг тақсимланиши, шунингдек, ер ресурсларининг сифат тавсифлари ва қимматлари тўғрисидаги зарурий маълумотлар ва ҳужжатлар тизимини ўзида акс эттиради.

Ўзбекистонда “Давлат ер кадастри тўғрисидаги” қонун 1998 йил 28 августда қабул қилинган бўлиб, у ер ресурсларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 543-сонли қарорида Давлат ер кадастрини юритиш ва унинг Низом қоидалари белгилаб берилди.

Давлат ер кадастри 4 та таркибий қисмдан иборат бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини, ер участкаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, ижарага олиш ҳуқуқларини, сервитутларни ҳамда бу ҳуқуқларга доир бошқа чеклашларни давлат рўйхатидан ўтказиш (сервитут – бировнинг мулкидан маълум мақсадда фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек, ўз мулкидан фойдаланишни қисман чеклаш, бирор давлатнинг маълум территорияга бўлган суверен ҳуқуқини бошқа давлатлар фойдасига чеклаб қўйишдир);

- ер миқдорини ҳисобга олиш;
- ер сифатини ҳисобга олиш (тупроқ бонитетини аниқлаш);
- ерни қиймат жиҳатидан баҳолаш.

Ушбу Низомда давлат кадастрини юритишнинг асосий тамойиллари ҳам белгилаб берилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- давлат кадастрини юритиш республиканинг бутун ҳудудини қамраб олиши;

- фазовий координаталарнинг ягона тизимини қўллаш;
- ер кадастрига доир ахборот ишлаб чиқиш услубиётининг бирлиги ва узлуксизлиги;
- ер кадастри ахборотининг ишончилиги ва тежамлилиги.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат ер кадастри маълумотларидан ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, уларни олиб қўйиш ва тақдим этиш, ер учун тўловларни аниқлаш, ер қурилишини ўтказиш, хўжалик фаолиятини баҳолаш, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ давлат назоратини амалга оширишни режалаштиришда фойдаланиш лозим. Бундан ташқари, давлат ер кадастри материалларидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини минтақалар ва иқтисодий районлар бўйича жойлаштириш ва ихтисослаштиришни асослашда, деҳқончилик ва чорвачилик юритишнинг илмий асосланган тизимларини жорий этишда фойдаланилади.

Ерларнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш уларнинг амалдаги ҳолати ва фойдаланилишига кўра амалга оширилади. Ерларнинг сифатини ҳисобга олиш ер кадастри бўйича районлаштириш, ерларнинг таснифланиши, экологик, технологик ва шаҳар қурилиши хусусиятлари, тупроқларнинг гуруҳлари бўйича уларнинг тавсифларини ўз ичига олади. Ерларни баҳолаш натурал ва қиймат кўрсаткичлари тизими ёрдамида амалга оширилади. Баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар ер-кадастр хужжатларида акс эттирилади.

Давлат ер кадастрини юритиш Ер ресурслари давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистонда ерлардан самарали фойдаланишни назорат қилувчи олий орган Ер ресурслари давлат қўмитаси бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги 314-сонли Қарори асосида ташкил этилган. Вилоят ва туманлар ер ресурслари бошқармалари бевосита бу қўмитага бўйсундилар.

Ер ресурслари вилоят бошқармаси ва унинг туманлардаги хизматлари қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ва ер тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларига риоя қилинишини назорат этиш, давлат бошқарув органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ерлардан фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш, ошириш ва тиклаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- ер фонди ҳолатини кузатиш, ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларни баҳолаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида ер мониторингини амалга ошириш;

- давлат ер кадастрини ташкил этиш ва юритиш, ерга эгалик ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш, давлат бошқарув органлари, юридик ва жисмоний шахсларни ернинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, ерларнинг тоифалари, сифат тавсифлари, жойлашган ўрни ва ер участкаларининг ўлчамлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар бўйича тақсимланиши тўғрисидаги ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар билан таъминлаш;

- ер фондидан фойдаланишни яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш, ошириш ва тиклаш миллий дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

- ер ресурсларининг аҳволи тўғрисида ҳар йили вилоят бўйича ҳисобот тузиш;

- ерларни ҳисобга олиш ва ерларни белгиланган мақсадлари бўйича ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорларга ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ва ҳ.к.

Ердан самарали фойдаланиш аввало ерларни баҳолаш масаласини тўғри ҳал этишни кўзда тутди. Ер ресурсларини баҳолашда асосан ернинг

миқдори ва сифатини ҳисобга олиш ҳамда иқтисодий баҳолашдан фойдаланилади.

Ерни миқдор жиҳатидан ҳисобга олиш уни ер турлари ва ердан фойдаланувчилар бўйича мавжудлиги ва тақсимланиши даражасини аниқлашни кўзда тутди. Лекин ердан тўғри ва оқилона фойдаланиш учун уни миқдор жиҳатдан ҳисобга олишнинг ўзи етарли эмас. Шу боис, ерни сифатини ҳисобга олиш катта қийинчиликлар билан боғлиқ бўлсада, лекин мақсадга мувофиқ жараён деб қаралади.

Ернинг сифатини ҳисобга олиш уни табиий ресурс ва ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги хўжалик аҳамиятини аниқловчи белги ва мезонлари асосида олиб борилади. Уларга ерни тупроқ қатламидан, унда экилган экинлар ва рельефдан келиб чиқиб таснифланиши, тупроқни сув ва шамол эрозиясига мойиллик даражалари тўғрисидаги маълумотлари, ботқоқланиши, кислоталаниши, озуқа моддалар билан таъминланиши ва бошқа маълумотлар киради. Шунингдек, тупроқ сифати ҳосилдорлик даражасига таъсир кўрсатувчи бошқа табиий омиллар (ёғингарчиликлар миқдори, ҳарорат) билан ўзаро боғлиқликда унинг унумдорлигини ҳам ўзида акс эттириши лозим. Чунки, бир турдаги тупроқларнинг унумдорлиги ҳам турлича бўлади. Тупроқ хусусиятининг унинг хўжалик аҳамиятига кўра бир хил эмаслиги ҳосилдорликка ҳам турлича таъсир кўрсатади. Натижада уларни қиёслашга эҳтиёж пайдо бўлиб, бу масала тупроқ бонитировкаси орқали амалга оширилади.

Тупроқ бонитировкаси тупроқ сифати ҳамда табиий унумдорлик қувватига бериладиган қиёсий баҳодир. Тупроқ бонитировкаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг кейинги қиймат баҳосини чиқариш, мулкый пайларнинг миқдорини аниқлаш, ер тузишни амалга ошириш ва ерлардан оқилона, самарали фойдаланишни рағбатлантириш учун асосдир. Бу эса тупроқ бонитировкаси экинлар билан боғлиқ бўлиши ва унинг табиий

унумдорлигини асосий қишлоқ хўжалиги экини талабидан келиб чиқиб акс этиши лозимлигини англатади.

Бонитировканинг асосий мазмуни ўртача даражадаги агротехника шароитида турлича тупроқ сифатига эга бўлган ерларни ўртача ҳосилдорликни таъминланишини аниқлашни кўзда тутати. Бонитировка тупроқ табиий унумдорлигини нисбий баҳолаш, шунингдек, айти бир интенсификация даражасида муайян турдаги қишлоқ хўжалиги экинларига нисбатан уларнинг потенциал унумдорлигини таққослама баҳолашга имкон беради. Шу билан бир қаторда, у ёки бу экинларни етиштириш учун турли хил тупроқларнинг яроқлилиқ даражасини, энг юқори ҳосил берадиган тупроқларни, тупроқларнинг агроишлаб чиқариш гуруҳларини ажратиш ва ерларнинг унумдорлигини ошириш бўйича асосий мелиоратив ҳамда бошқа чора-тадбирларнинг кетма-кетлиги ва ҳажмини аниқлашга имконият яратади. Тупроқлар бонитировкаси 100 балли тизимда аниқланади.

Ерни иқтисодий баҳолаш уни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги унумдорлик қобилиятини ифодалайди. Унинг асосида тупроқнинг сифати ва ер участкаларининг жойлашувини ҳисобга олган ҳолда аниқланган турли сифатдаги ерларнинг даромадлиги ётади. Ерни иқтисодий баҳолаш мувофиқлаштирилган интенсификация даражасида амалга оширилади ва у ишлаб чиқаришнинг фақатгина табиий шарт-шароитларини деҳқончилик юритиш натижаларига таъсири даражасини аниқлаш имконини беради.

Ернинг иқтисодий баҳолаш услуби экинларни амалдаги ҳосилдорлиги ва уларни етиштиришга кетган харажатлар тўғрисидаги камида охириги беш йилдаги оммавий маълумотларга асосланади. Ишлаб чиқаришнинг мослаштирилган таркиби шароитида тупроқнинг агроишлаб чиқариш гуруҳлари бўйича баҳолаш кўрсаткичлари суғориладиган ва мелиорация тадбирлари амалга оширилмаган ерларда алоҳида равишда ҳисобланади. Ялпи маҳсулот қийматини ҳисоблашда ягона нархлар қўлланилади.

Маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетган харажатларнинг амалдагиси олинади. Дехқончилик юритиш амалиёти шуни кўрсатадики, ернинг иқтисодий баҳолаш даражасини аниқлашда шунингдек, олдиндан белгиланган мақсадли мўлжаллардан келиб чиқиш лозим. Чунки алоҳида экинлар бўйича олинган тенг сифатга эга бўлган тупроқларнинг ишлаб чиқариш натижаларига таъсири турлича бўлади. Бу эса амалиётда у ёки бу ернинг бошқа ерларга нисбатан қанчалик яхшироқ ёки ёмонроқ эканлигини аниқлашда қўлланилади.

Ернинг тупроқ унумдорлиги ундан фойдаланишни самарадорлигини асосий меъзони бўлсада, лекин иқтисодий аҳамияти ердан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларида яққол намоён бўлади. Лўнда қилиб айтганда маълум бир ерда мавжуд бўлган ёки эришилган хўжалик юритиш даражаси ердан фойдаланиш самарадорлиги мазмунини англатади. Самарадорлик бир бирлик майдондан олинadиган маҳсулот ва унинг таннархи билан тавсифланади. Шу боис, барча минимал ишлаб чиқариш харажатлари билан ҳар бир гектар ер ҳисобига максимал ҳосил олишни таъминлаш барча ердан фойдаланувчилар олдига қўйилган асосий вазифадир.

Лекин шунга қарамай, хўжалик юритишнинг тенг шароитдаги даражасига турлича сифатга эга бўлган ерларда эришиш мумкин. Шу сабабли алоҳида олинган минтақа, туман ва корхоналарда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини объектив баҳолаш мақсадида иқтисодий баҳолаш маълумотларини ҳисобга олиш лозим.

Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда табиий-иқтисодий омиллар муҳим ўрин тутadi ва бу ер рентасида ўз аксини топади. Ер рентаси иқтисодий атама сифатида ер эгалари томонидан ердан фойдалангани учун тўлов шаклида олинadиган даромад ҳисобланади. Рентанинг турли шаклларидаги умумий жиҳат шундан иборатки, у ерга эгалик ҳуқуқи амалга ошишининг иқтисодий шакли ҳисобланади.

Дифференциал ер рентаси унумдорлиги ва жойлашган ўрни бўйича ўртача ва энг яхши ер участкаларига бир хил харажатлар сарфланганда юзага келадиган меҳнат унумдорлигидаги тафовутларни тавсифлайди. Дифференциал ер рентаси шаклланишининг асосий сабаби бўлиб тупроқ унумдорлиги даражасида, ер участкаларининг бозорга нисбатан жойлашувида, шунингдек, ер ресурсларига сарфланган харажатлардан олинadиган даромадлар миқдорида тафовутларнинг мавжуд бўлиши ҳисобланади. Нисбатан юқори унумли ва қулай жойлашган ерларда ёки ерга киритилган инвестициялар ҳисобига меҳнат унумдорлигининг ўсиши шароитида юзага келадиган қўшимча соф даромад дифференциал рентанинг асосий манбасидир. Ерни баҳолаш амалиётида дифференциал рента дифференциал даромад ҳам деб юритилади.

Қўшимча фойдани такрор ишлаб чиқариш усулига қараб дифференциал рента икки турга бўлинади: дифференциал рента I ва дифференциал рента II.

Дифференциал рента I турли унумдорликка эга ва бозорга нисбатан турли қулайликда жойлашган бир хил ҳажмдаги ер участкаларига сарфланган бир хил меҳнат харажатларининг турли унумдорлиги натижасида олинган барқарор қўшимча фойдани ўзида акс эттиради. У икки хил кўринишга эга: ер участкаларининг унумдорлиги ва ер участкаларининг жойлашуви бўйича шаклландиган дифференциал рента I.

Дифференциал рента II эса айнан бир ер участкасига киритилган қўшимча капитал қўйилманинг турли унумдорлиги натижасида олинган барқарор қўшимча фойдадир. Бу рента қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, интенсивлаштиришнинг асосий мақсади бир бирлик ер майдонидан олинadиган маҳсулот миқдорини кўпайтиришдан иборат.

Дифференциал рента I тарихан дифференциал рента II дан илгари вужудга келган бўлиб, экстенсив ишлаб чиқариш ривожланиши даражасига

караб ўсиб боради. Мазкур ер рентаси тури хўжалик айланмасига янги ер участкалари жалб этилиши шароитида кўпайиб боради. Шуниси эътиборга молики, айнан бир техника имкониятлари даражасида дифференциал рента I ёмон ерлардан яхши ерларга ўтилган шароитда ҳам, яхши ерлардан ёмон ерларга ўтган шароитда ҳам ўсиши мумкин. Биринчи вариантда рентанинг ўсиши сифат жиҳатидан яхши ер участкаларининг муомалага киритилиши шароитида ишлаб чиқаришнинг тартибга солувчи нархлари ҳисобига юз берса, иккинчи вариантда рента ҳажми фойдаланилган ўртача ерлар ҳажмининг катталиги ҳисобига қўшимча фойданинг ўсиши билан боғлиқ равишда ўсади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга. Бизнинг фикримизча, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда ушбу вазифага мажмуавий тарзда ёндашув ва кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мисол учун, асосий қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ва маҳсулот бирлигининг таннархи кўрсаткичлари самарадорликни аниқловчи асосий кўрсаткичлардан ҳисоблансада, лекин фақатгина улар ёрдамида ердан фойдаланиш самарадорлигини умумлаштирилган ҳолда баҳолаш имконини бермайди. Бунинг учун қиймат кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Уларга бир бирлик ер майдонидан олинган ялпи маҳсулот, ялпи даромад, соф даромад ёки 1 гектар қишлоқ хўжалик ерларидан олинган фойда ва ҳамда бир бирлик ишлаб чиқариш харажатлари (меҳнат ва моддий) ҳисобидан олинган ялпи маҳсулот киради. Қиймат кўрсаткичлари ҳам ўз навбатида ердан фойдаланишни иқтисодий самарадорлигини қиёсий таҳлили тўғрисида якуний хулоса чиқариш учун етарли эмас.

Демак, ер майдонларидан фойдаланиш даражасига объектив қиёсий баҳо бериш учун натурал кўрсаткичларни ҳам кенг қўллаш лозим, яъни

ернинг сифати деҳқончилик юритиш натижаларига таъсир кўрсатувчи жуда муҳим омиллардан биридир. Шу сабабли ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги тўғрисида олинган маълумотлар унинг иқтисодий баҳосини ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари, хусусан, иқтисодий жараёнларнинг табиий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқлиги, ернинг қишлоқ хўжалигида асосий восита эканлиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг катта ҳудудларда ва турли табиий-иқлим шароитларида амалга оширилиши ва унинг мавсумий характери, қишлоқ хўжалигида техникадан фойдаланишнинг ўзига хослиги ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда табиий-иқтисодий омиллар таъсирини ҳисобга олишни тақозо этади. Бу жараёнда, албатта, ернинг бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фарқли хусусиятларини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга.

## **1.2. Иқтисослашув ва мужассамлашув жараёнларининг аграр ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири**

Маълумки, ижтимоий меҳнат тақсимотининг асосий шакли ишлаб чиқаришни жойлаштириш ҳисобланади. Ижтимоий меҳнат тақсимоти барча тармоқларга, шу жумладан, қишлоқ хўжалигига ҳам тааллуқли. Бироқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар иқтисодий ва табиий такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг ривожланиш қонуниятларини ўзида акс эттиради. Айнан ушбу жиҳатлар тармоқда ишлаб чиқариш жараёнини жойлаштиришга у ёки бу даражада таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг муҳим хусусиятларидан бири шуки, бу ерда, бир томондан, машина ва технологик ускуналар, иккинчи томондан, тирик организмлар: тупроқ, ўсимлик, чорва моллари ишлаб чиқариш жараёнида қатнашади. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигида меҳнат тақсимоти саноатдагидек амалга ошмайди. Саноат ишлаб

чиқаришида нафақат маҳсулотнинг алоҳида турларини ишлаб чиқариш, балки технологик жараёнлар, тайёр маҳсулотнинг алоҳида қисмлари ва деталларини ишлаб чиқариш бўйича ҳам меҳнат тақсимооти кузатилади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жойлаштириш мамлакат, иқтисодий районлар, вилоят ҳудудида алоҳида турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг географик нуқтаи назаридан ёки макон бўйича тақсимланиш жараёнини ўзида акс эттиради. Минтақада алоҳида турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва алоҳида ҳудудларнинг ялпи ва товар маҳсулоти ҳажмидаги улуши каби кўрсаткичлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жойлаштиришни тавсифлайди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини табиий-иқтисодий зоналар бўйича оқилона жойлаштириш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва арзонлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оқилона жойлаштириш ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Меҳнатнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши алоҳида иқтисодий районлар ва минтақалар бўйича ишлаб чиқариш ихтисослашувининг чуқурлашувига имкон яратади. Ишлаб чиқариш ихтисослашувининг чуқурлашуви эса тармоққа фан-техника тараққиёти натижаларини жорий этишга олиб келади. Ўз навбатида ихтисослашувнинг ривожланиши ишлаб чиқаришнинг мужассамлашувига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, ишлаб чиқаришни жойлаштириш, ихтисослашув ва мужассамлашув қишлоқ хўжалигида ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, улардан биринг ўзгариши бошқаларида сезиларли ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Ихтисослашувнинг чуқурлашуви ва мужассамлашувнинг ривожланиши мамлакат минтақалари бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштириш шароитида механизация воситаларини кенг қўллашга, тармоқни босқичма-босқич кимёлаштириш ва интенсивлаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оқилона жойлаштириш ва техника тараққиёти ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқаришини оқилона жойлаштириш умуман қишлоқ хўжалиги ва унинг алоҳида тармоқларида техника тараққиёти ривожини рағбатлантиради. Ўз навбатида аграр секторнинг ихтисослашган машина ва ускуналарга бўлган эҳтиёжи ҳудудларда техника, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё, озиқ-овқат ва саноатнинг бошқа тармоқлари ривожини учун кучли туртки ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштириш, уни мамлакат ҳудудлари бўйича оқилона тақсимлаш кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини мақсадга мувофиқ жойлаштириш қўшимча соф даромад олиш, ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг муҳим шартидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бозор муносабатларига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштиришнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари намоён бўла бошлади.

Иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларнинг бузилиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва унга хизмат кўрсатувчи саноат тармоқлари маҳсулотлари нархлари ўртасидаги номутаносиблик аграр секторга моддий ресурслар етказиб беришнинг сезиларли даражада қисқаришига ва ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг, хўжалик юритишнинг пировард натижаларига таъсирининг сусайишига олиб келди.

Сўнгги йилларда фан-техника тараққиётининг ишлаб чиқаришни жойлаштиришга таъсири сезиларли даражада пасайди. Аграр сектор томонидан ихтисослашган машиналар, техника ва ускуналар истеъмолининг кескин қисқариши мамлакатнинг ихтисослашган ҳудудларида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоқларида, кимё, озиқ-овқат, тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми пасайишининг асосий сабаби бўлиб хизмат қилди. Бу эса ўз навбатида умуман қишлоқ хўжалиги ва агросаноат

мажмуининг алоҳида тармоқларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш суръатларининг секинлашувига олиб келди.

Шу нуқтаи назардан иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш жараёнлари изчиллик билан амалга оширилаётган бугунги кунда ихтисослашув жараёнларини чуқурлаштириш ва мужассамлашув имкониятларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш аграр соҳада ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим шартларидан бирига айланди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ихтисослашуви асосий тармоқни алоҳида ажратишни ва унинг устун даражада ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб беришни кўзда тутди. У қишлоқ хўжалиги минтақаси ёки хўжаликнинг ишлаб чиқариш йўналиши ва унинг тармоқ таркибини белгилаб беради.

Иқтисодиёт ва унинг тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини муттасил ошириб бориш ҳар қандай мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий йўналиши ҳисобланади. Негаки, у чекланган иқтисодий ресурслар шароитида кишиларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ва турмуш фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, “ишлаб чиқариш самарадорлиги” атамасининг моҳияти, мезонлари, шунингдек, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари ва усуллари каби масалалар кўплаб хорижий ва мамлакатимиз олимлари илмий-тадқиқотларида ўрганилган<sup>9</sup> ва гарчи бу тадқиқотларнинг аксарияти режали иқтисодиёт шароитида амалга оширилган бўлса-да, улар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Шу билан бирга ишлаб чиқариш самарадорлигининг моҳиятини очиб берувчи ягона таъриф ханузгача мавжуд эмас ва унинг мезонлари ҳамда кўрсаткичлар тизими

---

<sup>9</sup> Ё.Абдуллаев. Региональный аспект статистического изучения эффективности общественного производства. – Т.: Фан, 1986. – 184 с., КаюмовФ. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку: общие и региональные проблемы. – М.: ИПО “Полигран”, 1992. – 160 с.; Добрынин В. А., Беляев А. В., Дунаев П. П. и др. Экономика сельского хозяйства /Под. ред. В.А. Добрынина. – М.: Агропромиздат, 1990. – 476 с.; Статистическое изучение экономической эффективности общественного производства /Под.ред. Т. В. Рябушкина. – М.: Наука, 1977. – 352 с. ва бошқалар.

бугунги кунда ҳам чуқур мунозаралар ва баҳсларга сабаб бўлмоқда. Бунинг энг асосий сабаби шундан иборатки, ишлаб чиқариш самарадорлиги мураккаб иқтисодий атама бўлиб, ишлаб чиқариш кучлари фаолияти ва унинг фойдали самараси ўртасида вужудга келувчи кенг қамровли иқтисодий муносабатларни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш фаолиятининг турли туманлиги ҳамда ундан олинадиган самаранинг турли суръат ва шаклларда намоён бўлиши мазкур атаманинг мураккаб, зиддиятли ва серқирра эканлигидан далолат беради.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ўрганиш ва таҳлил қилишда турли хил баҳс ва мунозараларга сабаб бўлаётган асосий масалалардан бири ишлаб чиқариш самарадорлиги даражасини статистик жиҳатдан қандай ифодалаш лозимлиги тўғрисидаги масаладир. Бу масала бўйича деярли барча иқтисодчиларнинг фикри бир хил, яъни иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш натижасини ёки ундан олинган самарани сарфланган ресурсларга ёки харажатларга таққослаш йўли билан аниқланади.

Иқтисодий адабиётларда кенг тарқалган қуйидаги таъриф бунинг яққол ифодалайди.: “иқтисодий самарадорлик эришилган иқтисодий самаранинг, натижанинг омиллар, ресурслар, харажатларга нисбати билан ифодаланадиган иқтисодий фаолият, иқтисодий дастурлар ва чоратадбирларнинг натижавийлиги, муайян нисбатдаги ресурслардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқариш ҳажмининг энг юқори даражасига эришишдир”<sup>10</sup>. Аммо ишлаб чиқариш натижалари ёки ундан олинган самара турли иқтисодчилар томонидан турлича талқин қилинади. Баъзи иқтисодчилар бу иккала тушунчани бир хил тушунсалар, баъзиларининг фикрича, самара ишлаб чиқариш натижаси ва харажатлар ўртасидаги тафовутга тенг.

---

<sup>10</sup>Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. – М.: ИНФРА-М, 1997. – 403 с

Масалан, Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б.лар “самара - моддий, пул ва ижтимоий ифодада эришилган натижа”<sup>11</sup> деб таъкидлайдилар. Шунга яқин қараш Добринин В.А. томонидан ҳам келтирилган. У қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини тадқиқ қилар экан, “самара - қишлоқ хўжалигида амалга оширилган у ёки бу чора-тадбирларнинг оқибати, натижаси”<sup>12</sup>, - деб таъкидлайди.

Кўриниб турибдики, юқорида номлари келтирилган муаллифлар ишлаб чиқариш натижаси ва ишлаб чиқаришдан олинган самарани бир хил тушунадилар, яъни уларнинг фикрича, бу иккала тушунча миқдор ва сифат жиҳатидан бир-бирига мос тушади.

Иккинчи гуруҳ олимлар мазкур тушунчаларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан мувофиқ келмаслигини таъкидлайдилар. Масалан Е.Г. Либерман фикрича, “Ишлаб чиқаришдан олинган самара ишлаб чиқариш натижасидан унга сарфланган харажатларни чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади”<sup>13</sup>. А.И. Ноткин ҳам шунга яқин фикрни илгари суради: “Фақат ишлаб чиқаришнинг соф натижасигина у ёки бу давр оралиғидаги ишлаб чиқариш самараси бўлиши мумкин”<sup>14</sup>. Мазкур таърифда ишлаб чиқаришнинг соф натижаси, яъни ишлаб чиқариш натижасидан унга сарфланган харажатлар айириб ташлангандан кейин қолган қиймат ва самара бир-бирига тенглаштирилмоқда.

Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш натижаси ва ишлаб чиқаришдан олинган самарани бир хил маънода тушуниш лозим. Бу, бир томондан, “самара” ва “самарадорлик” атамаларининг моҳиятини очиб беришда

---

<sup>11</sup>Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. - М.: ИНФРА-М, 1997. – 403 с.

<sup>12</sup>В.А. Добрынин, А.В.Беляев, П.П. Дунаев и др. Экономика сельского хозяйства. - М.: Агропромиздат, 1990. – 238 с.

<sup>13</sup> Либерман Е.Г. Различия показателей эффективности на уровнях производства и отдельных предприятий. /Статистическое изучение экономической эффективности общественного производства. - М.: Наука, 2007. - 12 с.

<sup>14</sup> Ноткин А.И. Вопросы определения экономической эффективности капитальных вложений. М., 1988. – С.32

кулайлик туғдиради, иккинчи томондан ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашни услубий томондан енгиллаштиради.

Ишлаб чиқариш натижаси ва ишлаб чиқаришдан олинган самарани турли хил тушуниш “самара” ва “самарадорлик” атамаларининг моҳиятини аниқлашда ҳам чигалликни юзага келтиради. Иқтисодий адабиётларда “самарадорлик” тушунчасига берилган таърифларини кўздан кечирганда “самарадорлик” ва “самара” тушунчаларини моҳиятини очишда уларни бирига қарама-қарши қўйиш ёки уларни турли хусусиятга эга бўлган тушунчалар деб талқин қилиш ҳоллари кўп учрайди. Ваҳоланки, самара ва самарадорлик ҳақида гап борганда уларни миқдор эмас, балки сифат жиҳатдан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Бу эса ўз навбатида тушунчаларнинг моҳиятини чуқурроқ очиш имконини беради. Бизнинг фикримизча, самарадорлик ва самара ягона бир тушунчанинг икки томонидир, холос. Самарадорлик бирор бир ҳодисанинг натижавийлигини англатса, самара ушбу ҳодисанинг билвосита натижасидир. Бошқача қилиб айтганда самарадорлик ва самара ягона бир иқтисодий ҳодиса, жараённинг сабаби ва оқибати сифатида намоён бўлади.

Масалан, ўғитлардан фойдаланиш натижасида олинган натижа ялпи ҳосилнинг ўсишида, озуқалардан фойдаланишдан олинган натижа қўшимча вазн ёки сут соғиб олишнинг ўсишида ўз аксини топади. Аммо мазкур самара ўғитдан ёки озуқадан фойдаланишнинг нафлилигини ёки фойдалилигини аниқлаш учун етарли эмас. Улардан фойдаланишнинг фойдалилигини аниқлаш учун олинган натижани ўғит ёки озуқадан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларга таққослаш лозим бўлади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ягона кўрсаткич орқали ифодалаш мумкинми ёки бунинг учун муайян тизимни ташкил қилувчи кўрсаткичлардан фойдаланиш лозимми, деган саволни ҳал этиш бўйича ҳам олимлар ўртасида яқдиллик мавжуд эмас.

Бу соҳада иқтисодчи-олимлар қарашларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ олимлар иқтисодий самарадорликни аниқлашда ягона умумлаштирувчи кўрсаткичлардан фойдаланиш имкониятини инкор қиладилар. Р.Д. Винокур, А. Еремин, В. Иванченко, Ю.И. Иванченко ва бошқалар ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашда ушбу жараённинг турли жиҳатларини ўзида акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозимлигини таъкидлайдилар.

Хусусан, Ю. И. Иванченко “...назарий жиҳатдан ҳам, услубий жиҳатдан ҳам ижтимоий ва иқтисодий самарадорликни ягона кўрсаткич орқали ифодалаш мумкин эмас”лигини уқтиради<sup>15</sup>. Муаллиф фикрича, иқтисодиёт таркибини оқилонлаштириш нафақат халқ хўжалиги миқёсида, балки алоҳида олинган корхоналар миқёсида ҳам ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари мажмуидан фойдаланишни тақозо этади.

А. Еремин нуктаи назарига кўра, иқтисодий амалиётда бир қатор кўрсаткичларнинг (миллий даромад, меҳнат унумдорлиги, реал даромадлар ва бошқалар) “мувофиқлашган” энг юқори ва энг паст кўрсаткичлари доимий равишда аниқланади. Бу эса ижтимоий-иқтисодий ўсиш масалаларини ягона кўрсаткич асосида ҳал этиш имкониятининг мавжуд эмаслигидан далолат беради<sup>16</sup>.

Бошқа гуруҳ иқтисодчилар бундай ёндашувни кескин танқид қиладилар. Уларнинг фикрига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини кўплаб кўрсаткичлар асосида аниқлаш самарадорлик даражасини аниқ ифодалай олмайди, чунки улар турли хил йўналишларга эга. Шу сабабли иккинчи гуруҳ вакиллари - С. Г. Струмилин, С. Хачатуров, Б. П. Плишевский, Ф. К. Каюмов, А. И. Ноткин, К. В. Решетинский, Ё. Абдуллаев ва бошқалар хусусий кўрсаткичлар тизими асосида ягона умумлаштирувчи кўрсаткични аниқлаш лозимлигини таъкидлайдилар.

---

<sup>15</sup> Иванченко Ю.И. Повышения эффективности общественного производства и совершенствование хозрасчета. – М.: Мысль, 1985. - С.24

<sup>16</sup> Еремин А. О критерии эффективности. – М.: Наука, 1985. - С.73.

Ҳақиқатан ҳам, ягона умумлаштирувчи кўрсаткични аниқлаш зарурияти шу билан тушунтириладики, хусусий кўрсаткичлар макон ва замонда нафақат турли суръатларда, балки турли хил йўналишларда ҳам ўзгариши мумкин. Бундан ташқари улар ўзаро муайян зиддиятда ҳам бўладилар: мазкур кўрсаткичлардан бирортасининг ўсиши иккинчисининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Масалан, амалиётда меҳнат унумдорлигининг ўсиши фонд қайтимининг пасайиши билан бирга бориши ҳолати кузатилади. Натижада бир бирлик маҳсулотга сарфланган жами меҳнат харажатлари миқдори ошади. Худди шундай фонд сиғимининг пасайиши иш ҳақи миқдорининг ошиши эвазига маҳсулот таннархининг ўсиши билан бирга бориши мумкин. Чунончи, собиқ Иттифокда меҳнат унумдорлиги XX асрнинг 70-80 йилларида муттасил ўсиб борди, аммо таққослама нархларда ялпи ички маҳсулотнинг материал сиғими сезиларли даражада ўзгармасдан қолди, айтилиши вақтда фонд қайтимида барқарор пасайиш тенденцияси кузатилди.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кўрсаткичлар тизимига асосланиб, нафақат ишлаб чиқариш самарадорлигининг миқдорий ўзгаришлари, балки унинг умумий тенденциялари тўғрисида ҳам хулоса чиқариб бўлмайди. Шу сабабли ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашнинг умумий, интеграл кўрсаткичини аниқлаш лозим.

В.Е. Адамов нуқтаи назарига мувофиқ, бундай кўрсаткични аниқламасдан туриб ишлаб чиқариш самарадорлигининг муттасил ўсиш боришини таъминлаш мумкин эмас.

Бизнинг фикримизга кўра, ягона умумлаштирувчи кўрсаткични аниқлаш зарурияти тўғрисидаги қараш мақсадга мувофиқ бўлиб, у тизимлар назариясига тўла мос келади. Маълумки, иқтисодиётнинг ҳар бир иерархик тизими қуйи тизимлар мажмуидан иборат. Бу қуйи тизимлар мураккаб тузилишга эга бўлиш билан бирга ўз фаолиятида нисбатан мустақил ҳисобланади. Қуйи тизимлар таркибида юз бераётган ўзгаришларни

ифодалаш учун ўзаро боғлиқ хусусий кўрсаткичлар мажмуидан, қуйи тизим фаолият кўрсатишининг умумий мақсадларини ва бошқа қуйи тизимлар билан муносабатларини ифодалаш учун эса қуйи тизимда ягона умумлаштирувчи кўрсаткич зарур бўлади.

Худди шу ҳолат умуман тизимга ҳам хос. Тизим таркибини қуйи тизимларнинг хусусий кўрсаткичлари, тизим фаолият кўрсатишининг умумий мақсадини эса умумлаштирувчи кўрсаткич ифодалайди. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашнинг умумий кўрсаткичи умуман ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаласа, хусусий кўрсаткичлар тизими унинг айрим жиҳатларини ўзида акс эттиради.

Умумлаштирувчи кўрсаткични аниқлаш зарурияти ишлаб чиқариш самарадорлигининг моҳияти, хусусий кўрсаткичларни аниқлаш зарурияти эса унинг намоён бўлиш шаклининг турли туманлиги билан изоҳланади.

Маълумки, ишлаб чиқаришнинг кўп қиррали эканлигига қарамай, унинг ҳар бир иерархик даражасида, яъни корхоналардан токи умуман иқтисодиётгача барча тизим фаолияти йўналтирилган асосий мақсад мавжуд бўлади. Нисбатан паст даражадаги тизим мақсади юқорироқ даражадаги тизим мақсадига зид келмаслиги лозим. Бошқача қилиб айтганда, қуйи тизим мақсади юқори тизим мақсадининг бажарилишига олиб келиши лозим. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир даражасида унинг иқтисодий самарадорлиги ягона умумлаштирувчи кўрсаткич орқали ўлчаниши лозим. Асосий кўрсаткич билан бирга ишлаб чиқаришнинг алоҳида жиҳатларини ифодаловчи ва уни тўлдирувчи хусусий кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, умумлаштирувчи кўрсаткични аниқлаш зарурияти кўплаб иқтисодчи-олимлар томонидан эътироф этилаётган бўлса-да, айнан қайси кўрсаткичдан фойдаланиш тўғрисида ягона фикр мавжуд эмас. Иқтисодий адабиётларда ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашнинг мезони сифатида ялпи ички маҳсулот,

қўшилган қиймат, меҳнат унумдорлиги каби кўрсаткичлар тавсия этилади. Бу кўрсаткичлардан ҳар бири ўз афзалликлари ва камчиликларига эга. Аммо бу кўрсаткичлар ишлаб чиқариш самарадорлигининг у ёки бу томонини ўзида акс эттиради. Масалан, меҳнат унумдорлиги меҳнат ва моддий маблағлардан фойдаланиш даражасини ифодалайди. Бироқ у ишлаб чиқариш ресурсларидан, масалан, асосий фондлардан фойдаланиш даражасини ўзида акс эттирмайди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигининг мезони эса кенг тушунча бўлиб, у нафақат ишлаб чиқариш, балки моддий бойликларни тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнлари билан ҳам боғлиқ. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашнинг бошланғич мезони бўлиб янгидан яратилган маҳсулот, яъни миллий даромад ҳисобланади. Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган миллий даромад эса ишлаб чиқариш самарадорлигини тўлароқ ифодалайди.

Миллий даромад муайян давр мобайнида (бир йилда) янгидан яратилган жами маҳсулотнинг пулдаги ифодаси бўлиб, барча ишлаб чиқариш омиллари (ер, меҳнат, капитал, тадбиркорлик) томонидан олинган даромадларни ўзида акс эттиради. Миллий даромад ялпи ички маҳсулотдан амортизация ажратмалари (асосий фондларнинг эскириши) ва эгри солиқларни айириш йўли билан аниқланади. Иккинчи томондан миллий даромадни иш ҳақи, саноат ва савдо фойдаси, сарфланган капиталдан олинган фоиз ва ер рентасининг йиғиндиси сифатида аниқлаш мумкин.

Кўриниб турибдики, миллий даромад барча ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш даражасини ифодалаш билан бирга истеъмол даражасига ҳам баҳо бериш имкониятини беради. Шу билан бирга ишлаб чиқаришнинг турли даражаларида миллий даромаднинг уларга мослаштирилган кўринишларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигининг мезони бўлиб ялпи даромад ҳисобланади.

Маълумки, иқтисодий самарадорлик ресурслар ва харажатлар билан билвосита боғлиқ. Демак, бу борада мавжуд муаммолардан яна бири иқтисодий самарадорликни харажатлар ёки ресурслар орқали ҳисобланиши билан боғлиқ.

Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда иқтисодий самарадорликни ҳисоблашнинг икки хил услуби шаклланди: ишлаб чиқариш натижасини унга сарфланган харажатларга таққослаш ва ишлаб чиқариш натижасини ресурсларга таққослаш.

Мазкур икки услуб моҳиятига кўра ўзаро боғлиқ. Масалан, ресурслардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш айтилган вақтда уларнинг истеъмол қилинишини билдиради. Шу билан бирга улар харажатларни ҳам ташкил этади. Ўз навбатида харажатлар нафақат маҳсулотни ишлаб чиқаришга, балки ресурсларни такрор ишлаб чиқаришга ҳам йўналтирилган бўлади. Бошқача қилиб айтганда, харажатлар ресурсларнинг ҳаракатдаги шакли бўлса, ресурсларни харажатларнинг статик шаклига қиёс қилса бўлади. Шундан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳисоблаш жараёнида харажатларга фойдаланиб бўлинган ресурслар, ресурсларга эса ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишга жалб этилган маблағлар деб қараш мумкин.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини муттасил ошириб бориш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг асосий мақсади ҳисобланади. Аграр соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш иккита бир-бири билан боғлиқ вазифани ҳал этиш имконини беради. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини максималлаштириш ва маҳсулот бирлигига сарфланган сарф-харажатлар миқдорини камайтириш. Бу вазифаларни ҳал этиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш, яъни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига капитал маблағлар ҳажмини ошириб бориш билан узвий боғлиқ. Амалиёт шуни кўрсатадики, капитал қўйилмалар ҳажми қанчалик юқори бўлса,

улардан оқилона фойдаланиш даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади ва аксинча.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим манбаси меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги даражаси қанча юқори бўлса, шунча аҳоли турмуш даражасини оширишга ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга кўпроқ маблағ ажратиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, меҳнат унумдорлигининг ўсиши аҳоли турмуш фаровонлигининг ўсишини таъминловчи асосий омилдир.

Моддий ва маънавий бойликлар қанча кўп ва арзон ишлаб чиқарилса, уларнинг аҳоли кенг қатламлари томонидан сотиб олиниши ва истеъмол қилиниши енгиллашади. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши кишиларни моддий ишлаб чиқариш тармоқларидан озод қилиб, уларни хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларига жалб қилиш имконини беради.

Иқтисодиётга хос қонуният - бу меҳнат унумдорлигини муттасил ошиб боришидир. Ушбу ҳолат ўз навбатида иқтисодиётда муҳим бўлган ресурсларни чекланганлиги муаммосини ечимларидан биридир. Натижада, меҳнат унумдорлигининг оширилиши фақат жонли меҳнат сарфини тежаш билан эмас, балки моддий ресурсларнинг ишлатилишини тежаш билан ҳам боғлиқдир.

Меҳнат унумдорлигини ошириш учун янги технология ва хом ашёларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, меҳнатни илғор усулларини ўрганиш, илмий-амалий ишлар ва ихтирочиликни рағбатлантириш муҳим масала ҳисобланади. Ишчиларнинг маълумоти ва касбий тайёргарлиги унумдорликни белгиловчи асосий омиллардан бири эканлигини айтиб ўтиш лозим.

Ишлаб чиқариш омиллари ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинар экан улар турли усулларда бирлаштирилади. Бунда ишлаб чиқариш омилларининг айримлари бошқаларига нисбатан самарали фаолият кўрсатади. Шу сабабли амалиётда ишлаб чиқариш омилларининг самарали

тарзда бирлаштирилиши албатта унумдорликнинг ошишини таъминлайди. Омиллар комбинациясини тўғри танлаш эса юқори тадбиркорлик кўникмаларини талаб қилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар билан бирга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам мавжуд. Табиат ресурсларидан, энг аввало, ер бойлигидан интенсив фойдаланиш иқтисодий самарадорликни таъминлаш билан бирга атроф муҳитни ҳимоя қилиш муаммосини ҳам олдинга суриши мумкин. Бу эса атроф муҳитга келтирилган зарар оқибатларини қоплаш, меҳнат шарт-шароитларини яхшилашга йирик маблағларни сарф қилинишин тақозо қилади. Масалан, Марказий Осиё мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг йирик миқдордаги молиявий ресурслари Орол денгизи муаммоси ва минтақа аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга сарфланмоқда.

Ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи бошқа омилларга меҳнат интизомининг бузилиш ҳоллари, хўжасизлик ва хўжалик жиноятлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ноқулай об-ҳаво шароитларининг таъсирини кўрсатиб ўтиш мумкин. Меҳнат хавфсизлигининг ошиши, тоза ҳаво ва сув, ҳаёт сифатини яхшилашга йўналтирилган харажатлар ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайиши ҳисобига амалга ошади. Лекин, самарадорликни ўзи ана шу мақсадларни амалга ошириш учун қўшимча харажатларни таъминлаш имконини беради.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири бу инвестиция ресурсларидир. Чунки, ялпи ички маҳсулотда инвестиция улуши ва меҳнат унумдорлигини ўсиши ўртасида узвий ва бевосита боғлиқлик мавжуд. Иқтисодий самарадорликни оширишда ишлаб чиқаришни асосий фондлар билан қуроллантириш даражасини яхшилаш катта аҳамият касб этади. Асосий ишлаб чиқариш фондларини

ишга тушириш иқтисодиётнинг моддий ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлганлар сонидан орқада бўлмаслиги лозим.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан яна бири бу техника тараққиётидир. Техника тараққиёти кўп жиҳатдан илмий тараққиёт ва тажриба-конструкторлик тадбирларига харажатлар миқдори билан белгиланади. Бу харажатларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини камаймаслигини таъминлаш муҳимдир.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги меҳнатни ташкил этиш шакллари билан чамбарчас боғлиқдир. Бу борада асосий ўринни қаттиқ интизом ва юқори даражадаги меҳнат унумдорлиги эгаллайди. Бундан ташқари, ишчиларда инновацияга, янгиликка интилиш, жамият, корхона манфаатини шахсий манфаатдан устун қўйиш, юксак тадбиркорлик, эришилган натижа билан қаноатланиб қолмаслик, деҳқончилик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш каби муаммоларни ҳал этиш лозим.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун юқорида санаб ўтилган омиллар албатта реал ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилаётган барча омилларни ўз ичига тўлиқ қамраб ола олмайди. Бу ерда ўлчаш мумкин бўлмаган омилларнинг ҳам роли жуда юқоридир. Бу омилларга миллий, сиёсий ва маданий барқарорлик учун муҳит, соҳибкорлик, ихтирочилик, яратувчилик учун қулай шарт-шароит ҳозирлаш каби тадбирлар мажмуаси киради. Бу шарт-шароитларни миқдорий баҳолаш мумкин бўлмасада, лекин улар иқтисодий ўсиш ва тараққиётнинг асосларини ташкил қилади.

## **2-БОБ. ТУРКИЯДА АГРАР СЕКТОР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. Туркия Республикаси иқтисодиётида аграр секторнинг тутган ўрни ва роли**

Туркия эгаллаган ҳудудудининг катталиги бўйича дунёдаги йирик мамлакатлардан бири саналади. Мамлакат ҳудудининг 44,3 фоизини ўрмонлар ва 55,7 фоизини қишлоқ хўжалик ерлари ташкил қилади. Унумдор ерларнинг 81,6 фоизи қуруқ усулда, 18,4 фоизи ирригация усулида суғорилади. Суғориладиган ерларнинг катталиги бўйича мамлакат Европада 3-ўринда туради. Туркиянинг ЕИга кириши билан унинг унумдор ерлари майдонининг 41 млн га га етказилиши мўлжалланган ва бу майдон ЕИ ерларнинг 22 фоизига тенг бўлади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг 76 фоизи деҳқончилик, 24 фоизи эса чорвачилик улушига тўғри келади. Унумдор ерларнинг 34 фоизи буғдойзорлар, 9,5 фоизи арпазорлар, 10,6 фоизи боғлар, 7,6 фоизи мойли ўсимлик, ва 2,0 фоизи пахтазорлардан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Туркия сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича сезиларли муваффақиятларга эришди. Хусусан, турли йиллардаги тафовутларга қарамасдан, Туркия анжир, ўрик ва майиз ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда 1-ўринда, сабзавот ва узум ишлаб чиқариш бўйича 4-ўринда, тамаки ишлаб чиқариш бўйича 6-ўринда, пахта ишлаб чиқариш бўйича 7-ўринда ва буғдой ишлаб чиқариш бўйича 8-ўринда туради<sup>17</sup>. Бу муваффақиятлар кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар унумдорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан боғлиқ.

Туркияда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар унумдорлигини оширишда давлат томонидан йирик ирригация тизимини ташкил этиш

---

<sup>17</sup> Манба: İSTATİSTİK GÖSTERGELER Statistical Indicators 1923-2011 / TÜRKİYE İSTATİSTİK KURUMU Turkish Statistical Institute. – Ankara, 2012. – P.195

бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар алоҳида ўрин тутди. Бу соҳада Жануби-Шарқий Анатolia лойиҳасининг ўрни бекиёс бўлди. Ушбу ирригация тизимининг ишга туширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли даражада оширишга эришилди.

Шунингдек, суғориладиган ерлар унумдорлигини оширишга сарфланадиган харажатлар учун арзон кредитлар жорий этиш ва ердан фойдаланувчиларни бевосита қўллаб-қувватлаш амалиёти ҳам ерлар унумдорлигини оширишни рағбатлантиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, мамлакатдаги буғдойзорлар 9 млн. га ерни эгаллаган бўлиб, бу кўрсаткич Канада ва Австралиянинг унумдор ерларидан ҳам кўп майдонни ташкил қилади. Мамлакат ичидаги буғдойнинг 90 фоизи нон шаклида, 1 фоизи бўтқа шаклида ва 2 фоизи макарон шаклида истеъмол қилинади. Туркия жаҳон бозорига буғдойнинг ҳам экспортёри, ҳам импортёри сифатида кириб келади. 2009 йилда мамлакатда ишлаб чиқарилган буғдой 16,7 млн тоннани ташкил қилди. Бироқ сўнгги йилларда йилига 400 минг тонна буғдойнинг импорт қилиниши, Туркияни буғдойнинг нетто импортёрига айлантириб бормоқда. Туркия буғдойни ҳосил юқори бўлган даврларда ёки мамлакатга капитал зарур бўлган ҳолларда экспорт қилади.

Бироқ мамлакатнинг параллел равишда индустриал тараққиёти қишлоқ хўжалиги секторининг саноат ва хизмат кўрсатиш секторларига нисбатан ЯИМдаги улушининг тобора қисқаришига олиб келмоқда. Туркияда аграр сектори катта миқдордаги аҳолини банд қилувчи, ЯИМ даражаси, экспорт ҳажми ва унга боғлиқ бўлган саноат тармоқларига ўзининг катта ҳиссасини қўшувчи сектор ҳисобланади. Туркия Шимолий Европа, Шимолий Африка ва Яқин Шарқ минтақасидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи йирик мамлакат ҳисобланади. 2011 йилда

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти 11,1 млрд долларни ташкил қилиб, у мамлакатнинг умумий экспортининг 9,1 фоизига тенг бўлди. Таққослаш учун айтиш керакки, 2002 йилда бу кўрсаткич 1,7 млрд долларга тенг бўлган. Шунингдек 2008-2009 йилларда ушбу секторнинг ЯИМдаги улуши 7,8 фоиз ва 9,4 фоизга тенг бўлди. Айнан 2008-2009 йилларга келиб мамлакатдаги иш банд бўлган аҳолининг 24 фоизи айнан қишлоқ хўжалигида банд бўлган.

Аграр секторнинг Туркия иқтисодиётида тутган ўрнини қуйидаги жадвал маълумотлари яққол кўрсатади.

## 2.1-жадвал

### Аграр сектор ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

| Йиллар                                     | Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, млрд. турк лираси | Қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши, % | Аграр соҳада банд бўлганлар сони, минг киши | Аграр секторда банд бўлганларнинг жами бандлардаги улуши, % |
|--------------------------------------------|---------------------------------------------------|--------------------------------------|---------------------------------------------|-------------------------------------------------------------|
| 2000                                       | 17                                                | 10,1                                 | 7769                                        | 36                                                          |
| 2001                                       | 21                                                | 8,8                                  | 8089                                        | 37,6                                                        |
| 2002                                       | 36                                                | 10,3                                 | 7458                                        | 34,9                                                        |
| 2003                                       | 45                                                | 9,9                                  | 7165                                        | 33,9                                                        |
| 2004                                       | 53                                                | 9,5                                  | 5713                                        | 29,1                                                        |
| 2005                                       | 61                                                | 9,4                                  | 5154                                        | 25,7                                                        |
| 2006                                       | 63                                                | 8,3                                  | 4907                                        | 24,0                                                        |
| 2007                                       | 64                                                | 7,6                                  | 4867                                        | 23,5                                                        |
| 2008                                       | 73                                                | 7,6                                  | 5016                                        | 23,7                                                        |
| 2009                                       | 79                                                | 8,3                                  | 5240                                        | 24,6                                                        |
| 2010                                       | 82                                                | 8,4                                  | 5197                                        | 23,9                                                        |
| 2011                                       | 91                                                | 8,1                                  | 4987                                        | 23,5                                                        |
| 2011 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариши, % | 5,5 марта                                         | -2                                   | 64,2                                        | 12,5                                                        |

Манба: TurkStat (ЯИМ 1998 йил баҳоларида)

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000-2011 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 5,5 мартага ўсган бўлса, қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 10,1 фоиздан 8,1 фоизгача, жами бандлардаги улуши 36 фоиздан 12,5 фоизгача пасайди. Айни вақтда қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони 7769 минг кишидан 4987

минг кишигача, яъни 37,8 фоизга қисқарди. Бу шундан далолат берадики, Туркия иқтисодиётида юз бераётган таркибий ўзгаришлар жаҳон иқтисодиёти ривожланиши тенденцияларига мос келади.

Қишлоқ хўжалигининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва ролига баҳо беришда унинг экспортда улуши муҳим ўрин тутди. 1980 йилларнинг бошларида бошланган реструктуризация саъй-ҳаракатлари хусусийлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида савдо тўсиқларини бартараф этиш чоралари билан биргаликда ички бозорга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатди. Бунинг натижасида қайта ишланган маҳсулотларни ҳисобга олмаганда Туркияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти 5 млрд. долларни ташкил этди. Ваҳоланки, 2002 йилда бу кўрсаткич 2 млрд долларни ташкил этар эди.

Сўнгги йилларда Туркияда ерни суғориш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган фаолият учун тақдим этилаётган имтиёзлар ушбу секторнинг муваффақиятли ривожланишига туртки бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлатирилишида Жануби-Шарқий Анатолия лойиҳасининг ўрни беқиёс бўлди. Ушбу лойиҳанинг охирига етказилиши қатор бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни тақозо этади.

Туркия мева ва сабзавотлар, ўсимлик ёғи, қурур мевалар, тамаки, донли экинларва денгиз маҳсулотларининг катта миқдордаги экспорти билан ўзининг иқтисодиётига катта фойда келтиради. Туркияда йилига 45 млн тонна мева ва сабзавотлар етиштирилади, мамлакат тамакининг “ориентал” турини ишлаб чиқарувчи дунёдаги энг йирик мамлакат саналади. Шунингдек мамлакат иқтисодиётида айнан денгиз маҳсулотларининг ўрни муҳим бўлиб, бу тармоқ асосан экспортга йўналтирилган. Ҳозирда Туркия Европа, МДХ, Яқин, Ўрта ва Узоқ Шарқ ва АҚШга денгиз маҳсулотлари етказиб берувчи асосий йирик мамлакат саналади.

Шунингдек 2001 йилдан эътиборан мамлакатда ер эгаларини рўйхатга олиш тизими ишга тушди ва 2007 йилга қадар 2,75 млн киши рўйхатга олинди. 2007 йида уларга тўғридан-тўғри моддий қўллаб-қувватлаш учун 2,65 млрд турк лираси ажратилди. Шунингдек ер эгасига доимий равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланиши, ўз даромадларини орттириши ва истеъмолчиларга хом ашёни жаҳон нархларида тақдим этиши учун махсус мукофот тизими фаолият кўрсатмоқда. Айнан мукофот сифатида 2007 йилда 930 млн турк лираси ажратилди.

Донли экинлар ва чорвачилик ишлаб чиқариши умумий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 75 фоизини таъминлайди. Иккала тармоқ ҳам Анатолия текисликларида анча ривожланган. Чунки айнан бу ҳудудда янги ва сифатли уруғларни экиш, минерал ўғитларни солиш ва зотли молларни етиштиришга катта эътибор қилинади. Ҳозирда мамлакатда 35 млн бош қора мол мавжуд.

Инфляция ва юқори фоиз ставкалар мамлакатда аграр секторнинг тараққиётиги тўсқинлик қилаётган омиллардан асосийси ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган беқарор нарх-наво турк фермерларининг ҳам ички ҳам ташқи бозорда қийинчиликларга учрашига олиб келмоқда. Бу каби муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ҳукумат қатор чора-тадбирлар кўришни режалаштирмоқда. Мамлакатда йирик ирригация тизимини ташкил этиш, арзон кредитлар жорий қилиш, метериалларни субсидиялаштириш, маслаҳат хизматларини таклиф этиш ва илмий тадқиқотларни молиялаштириш ҳисобидан қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кенг қамровли дастурлар ишга туширилди. Туркия ҳукумати анъанвий тарзда ресурс ва кредитлар билан субсидиялаштириш ва асосий истеъмол маҳсулотларига бўлган истеъмол нархларини қисқартириш учун қишлоқ хўжалиги секторида иштирок этишда давом этмоқда. Ишлаб чиқарувчиларнинг кўяётган нархларини қўллаб-

қувватлаш ҳукуматга анча қимматга тушаётган бўлсада, у фермерларнинг даромадларини барқарорлаштира олмади.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасига киритилаётган инвестициялар ҳажми умумий инвестицияларнинг 3,9 фоизини ташкил қилмоқда. Шунингдек ушбу секторнинг импортдаги ҳажми 3,6 фоизни, экспортдаги ҳажми 3,8 фоизни ташкил қилмоқда.

Туркия аграр секторининг ташқи савдо балансида асосий улушни деҳқончилик ташкил қилиб,бу тармоқ қишлоқ хўжалиги экспортининг 95 фоиз, импортининг эса 85 фоиз улушига эга.

Туркия сабзавотлар ишлаб чиқариш бўйича Хитой, Ҳиндистон ва АҚШдан кейин дунёда 4-ўринда, мевалар ишлаб чиқариш бўйича 11-ўринда туради.

Мамлакат қишлоқ хўжалиги соҳасида пахтачилик тармоғини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сунъий толаларнинг барқарор суръатлар билан ўсиб бораётганига қарамай, асосий тўқимачилик хом ашёси сифатида мамлакатдаги пахтачилик тармоғи ўз ўрни ва аҳамиятини ҳанузгача сақлаб турибди. Умумий тўқимачилик хом ашёларининг 60 фоизи пахтанинг улушига тўғри келади.

Мамлакатда пахта асосан 3 минтақа, яъни Эгей денгизи минтақаси, Чукурова ва Жануби-Шарқий Анатолия минтақаларида етиштирилади. Ҳозирда Эгей денгизи минтақаси пахта маҳсулотларининг аксарият қисмини ишлаб чиқаради. Шунингдек бу ерда тўқимачилик саноатида фойдаланаладиган юқори сифатли пахта ҳам етиштирилади. Чукурова минтақасида эса тобора пахта етиштириш қисқариб бомоқда. Жануби-Шарқий Анатолия минтақасининг иқлими пахта етиштириш учун қулай бўлсада, бу ердаги суғориш имкониятларининг камлиги пахтачилик тармоғи ривожланишининг чегараланишга олиб келмоқда. Минтақада суғориш лойиҳаларининг муваффақиятли яқун топиши ушбу минтақага мамлакатдаги пахтанинг 32 фоиз жойлашишини кўрсатмоқда.

Пахтадан универсал мақсадларда фойдалана олиш имкониятлари унинг жаҳон хўжалигида қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноат ва савдо секторларининг муҳим маҳсулотларидан бири эканлигини англатмоқда. Аҳолининг ўсиши билан бир қаторда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда пахтага бўлган талабнинг ортиши кузатилмоқда.

Туркия пахта ишлаб чиқариш бўйича дунёда 6-ўринни эгаллайди. Мамлакат ўзининг пахта маҳсулотларини асосан Италия, Бельгия, Буюк Британия, Исроил, АҚШ, Германия ва Мисрга экспорт қилади. Бироқ мамлакатда тўқимачилик саноатининг ўта тез суръатлар билан ўсиши Туркияни пахтанинг импортёрига айлантириб қўйди. Шунингдек, мамлакатда пахтанинг аҳамияти тўқимачилик саноатидан ташқари нефт саноатида ҳам ўта муҳим. Шунингдек, айнан пахтачилик тармоғи мамлакатдаги етакчи иш берувчи қишлоқ хўжалиги тармоғи ҳисобланади.

Жаҳон молиявий инқирози Туркиянинг қишлоқ хўжалиги секторига кучли салбий таъсир кўрсатмади ва ҳозирда 2009 йилдаги беқарорликка аста-секин барҳам берилмоқда. Айнан дон ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг дунё бўйлаб кўтарилиши қишлоқ хўжалиги секторига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди. Айнан жаҳон иқтисодиёти ишсизлик билан курашаётган бир пайтда, яъни 2009 йилда қишлоқ хўжалигида бандлик 6 фоизга ўсиб, 5,97 млн кишини ташкил қилди. Ҳозирда Туркияда 3 млн дан ортиқ қишлоқ хўжалиги холдинглари фаолият кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, қуйидаги омиллар туфайли Туркия тадбиркорларни қишлоқ хўжалиги секторига инвестиция киритишлари учун қулай муҳитни таклиф қилиши мумкин:

- мамлакат географик жиҳатдан қулай жойлашган, яъни иқлимининг қулайлиги ва мамлакатнинг йирик бозорларга яқинлиги;
- меҳнат талаб қилувчи озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда рақобатбардош ишчи кучининг етарли эканлиги;

- хом ашё ресурсларининг деярли барчаси етарли эканлиги;
- мамлакатда ҳали ҳам йирик суғориш тизимлари шаклидаги, инфратузилмани мукамаллаштириш ва кичик майдонли унумдор ерларни бирлаштириш каби давлат инвестицияларининг мавжудлиги ва ҳоказо.

Туркиядаги агробизнеснинг асосий кўрсаткичлари:

- Туркия қуруқ анжир, ёнғоқ, майиз ва баргак ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги етакчи мамлакатдир;
- 2011 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларнинг умумий экспорти 11,1 млрд долларга етди;
- Туркия минтақада энг катта сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи давлат ҳисобланади. Туркияда 11000 хилга яқин ўсимликлар етиштирилади, Бутун Европада эса бу кўрсаткич 11500 хилни ташкил қилади;
- 2011 йилда Туркиядаги органик ерлар майдони 141752 гектарга, 241 хил экинлар ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми эса 415380 метрик тоннага етди.

## **2.2. Туркияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар**

Аграр соҳа Туркия иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Туркиянинг қулай табиий-иқлим шароитлари уни қишлоқ хўжалиги ва унга туташ тармоқлар соҳасида жаҳоннинг энг етакчи мамлакатларидан бирига айлантиради. Буни Туркиянинг деярли барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиши яққол тасдиқлайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Туркиянинг жами қишлоқ хўжалигига яроқли ерлари 2011 йилда 19,7 млн. гектарни ташкил этган. Бу 2000 йилга нисбатан 14,4 фоизга камдир. Жами қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг қарийб 80 фоизини экин майдонлари ташкил этади (2.2-жадвал).

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жами экин майдонининг 2000 йилда 26,5 фоизи, 2011 йилда эса 25,6 фоизи ҳайдаладиган ерлардан иборат бўлган. Бу шундан далолат берадики, экин майдонларига нисбатан ҳайдаладиган ерлар майдони юқорироқ суръатларда қисқарган. Агар 2000-2011 йилларда экин майдонлари 13,8 фоизга қисқарган бўлса, ҳайдаладиган ерлар 16,8 фоизга қисқарган.

## 2.2-жадвал

### Туркияда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари ҳажмининг ўзгариши, минг гектар

| Йиллар                            | Жами ерлар | Экин майдонлари | Ҳайдаладиган ерлар | Сабзавотлар | Мева ва бошқа резавор экин майдонлари | Узумзорлар | Зайтунзорлар | Ўрмон ерлари |
|-----------------------------------|------------|-----------------|--------------------|-------------|---------------------------------------|------------|--------------|--------------|
| 2000                              | 23033      | 18207           | 4826               | 793         | 1418                                  | 535        | 600          | 20703        |
| 2001                              | 23001      | 18087           | 4914               | 799         | 1425                                  | 525        | 600          | 20703        |
| 2002                              | 23163      | 18123           | 5040               | 831         | 1435                                  | 530        | 620          | 20703        |
| 2003                              | 22554      | 17563           | 4991               | 818         | 1501                                  | 530        | 625          | 20703        |
| 2004                              | 23066      | 18110           | 4956               | 805         | 1558                                  | 520        | 644          | 21189        |
| 2005                              | 23024      | 18148           | 4876               | 806         | 1598                                  | 516        | 662          | 21189        |
| 2006                              | 22131      | 17440           | 4691               | 853         | 1670                                  | 513        | 712          | 21189        |
| 2007                              | 21164      | 16945           | 4219               | 815         | 1671                                  | 485        | 753          | 21189        |
| 2008                              | 20719      | 16460           | 4259               | 836         | 1693                                  | 483        | 774          | 21189        |
| 2009                              | 20540      | 16217           | 4323               | 811         | 1686                                  | 479        | 778          | 21390        |
| 2010                              | 20582      | 16233           | 4249               | 802         | 1748                                  | 478        | 784          | 21537        |
| 2011                              | 19709      | 15692           | 4017               | 810         | 1820                                  | 473        | 798          | 21537        |
| 2011 йилда 2000 йилга нисбатан, % | 85,6       | 86,2            | 83,2               | 102,1       | 128,3                                 | 113,5      | 133,0        | 104,0        |

Манба: İSTATİSTİK GÖSTERGELER Statistical Indicators 1923-2011 / TÜRKİYE İSTATİSTİK KURUMU Turkish Statistical Institute. – Ankara, 2012. – P.177.

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 2000 йилда 793 минг гектарини сабзавотлар, 1418 минг гектарини мева ва бошқа резаворлар, 535 минг гектарини узумзорлар, 600 гектарини зайтунзорлар ва 20703 минг гектарини ўрмон ерлари ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич мувофиқ равишда 810, 1820, 473, 798 ва 21537 минг гектарни ташкил этган. Кўриниб

турибдики, деярли барча кишлок хўжалиги экинларига ажратилган ер майдонлари ўсиш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, 2000-2011 йиллар давомида сабзавотлар майдони 2,1 фоизга, мева ва бошқа резаворларга ажратилган ер майдонлари 28,3 фоизга, тоқзорлар 12,5 фоизга, зайтунзорлар 33 фоизга ва ўрмон майдонлари 4 фоизга ўсган.

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг аксарият қисмида Туркияда донли экинлар экилади (2.3-жадвал). Хусусан, 2000 йилда буғдой экилган майдонлар 9400, арпа – 3629 ва маккажўхори – 555 минг гектарни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб буғдой ва арпа майдонлари мос равишда 14,9 ва 21 фоизга қисқарди ҳамда 8096 ва 2868,8 минг гектарни ташкил қилди. Маккажўхори майдонлари эса бирмунча ошиб (6,1 фоизга) 589 минг гектарга етди.

Шунга қарамасдан 2000-2011 йилларда Туркияда донли экинларнинг ялпи ҳосили ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлди (2.4-жадвал).

### 2.3-жадвал

#### Туркияда донли экинлар майдонининг ўзгариши, минг гектар

| Йиллар                            | Буғдой | Арпа   | Маккажўхори |
|-----------------------------------|--------|--------|-------------|
| 2000                              | 9400   | 3629   | 555         |
| 2001                              | 9350   | 3640   | 550         |
| 2002                              | 9300   | 3600   | 500         |
| 2003                              | 9100   | 3400   | 560         |
| 2004                              | 9300   | 3600   | 545         |
| 2005                              | 9250   | 3650   | 600         |
| 2006                              | 8490   | 3649,8 | 536         |
| 2007                              | 8097,7 | 3428,0 | 517,5       |
| 2008                              | 8090   | 2950   | 595         |
| 2009                              | 8100   | 3010   | 592         |
| 2010                              | 8103,4 | 3040   | 594         |
| 2011                              | 8096   | 2868,8 | 589         |
| 2011 йилда 2000 йилга нисбатан, % | 86,1   | 79,0   | 106,1       |

Манба: İSTATİSTİK GÖSTERGELER Statistical Indicators 1923-2011 / TÜRKİYE İSTATİSTİK KURUMU Turkish Statistical Institute. – Ankara, 2012. – P.178.

Агар 2000 йилда Туркияда жами 31300 минг тонна донли экинлар етиштирилган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 33600 минг тонна донли

экинлар етиштирилди. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида буғдой ишлаб чиқариш ҳажми 3,8 фоизга, маккажўхори ишлаб чиқариш ҳажми эса 31,1 фоизга ўсган бўлса, арпа ишлаб чиқариш ҳажми 5 фоизга камайди.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ялпи ҳосилига иккита омил таъсир кўрсатади: экин майдони ҳажми ва ҳосилдорлик. Бу омиллардан биринчисини экстенсив, иккинчисини эса шартли равишда интенсив омил деб олиш мумкин. Экстенсив ва интенсив омилларнинг донли экинлар ялпи ҳосилига таъсирини кузатадиган бўлсак, сўнгги йилларда Туркияда интенсив омиллар таъсири юқори бўлаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

## 2.4-жадвал

### Туркияда донли экинлар ишлаб чиқариш динамикаси, минг тонна

| Йиллар                            | Буғдой | Арпа | Маккажўхори |
|-----------------------------------|--------|------|-------------|
| 2000                              | 21000  | 8000 | 2300        |
| 2001                              | 19000  | 7500 | 2200        |
| 2002                              | 19500  | 8300 | 2100        |
| 2003                              | 19000  | 8100 | 2800        |
| 2004                              | 21000  | 9000 | 3000        |
| 2005                              | 21500  | 9500 | 4200        |
| 2006                              | 20010  | 9551 | 3811        |
| 2007                              | 17234  | 7306 | 3535        |
| 2008                              | 17782  | 5923 | 4274        |
| 2009                              | 20600  | 7300 | 4250        |
| 2010                              | 19674  | 7250 | 4310        |
| 2011                              | 21800  | 7600 | 4200        |
| 2011 йилда 2000 йилга нисбатан, % | 103,8  | 95   | 131,1       |

Манба: İSTATİSTİK GÖSTERGELER Statistical Indicators 1923-2011 / TÜRKİYE İSTATİSTİK KURUMU Turkish Statistical Institute. – Ankara, 2012. – P.179.

Юқорида таъкидлаганимиздек, гарчи буғдой экин майдони қисқарган бўлса-да, ялпи ҳосил ҳажми ошган ва бу, энг аввало, ҳосилдорлик ошиши эвазига юз берган (2.4-жадвал). Хусусан, 2000 йилга нисбатан 2011 йилда буғдой ҳосилдорлиги 22,3 центнер/гектардан 26,9 центнер/гектаргача, яъни 20,5 фоизга ўсган. Арпа ҳосилдорлиги ҳам деярли шундай ўсган бўлса, маккажўхори ҳосилдорлиги таҳлил қилинаётган давр мобайнида 13,1 центнер гектардан 21,2 центнер гектаргача, яъни 62,2 фоизга ўсган. Бундай

ўзгаришлар Туркия аграр ишлаб чиқаришини механизациялаштириш, интенсивлаштириш ва бу секторнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аграр ишлаб чиқариш жараёнига фан-техника тараққиёти натижаларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишларнинг амалга оширилаётганлиги билан боғлиқ. Айтиш дамда қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун ер муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ўз ижобий натижаларини бермоқда.

## 2.5-жадвал

### Туркияда донли экинлар ҳосилдорлиги, ц/га

| Йиллар                            | Буғдой | Арпа  | Маккажўхори |
|-----------------------------------|--------|-------|-------------|
| 2000                              | 22,34  | 22,04 | 13,07       |
| 2001                              | 20,32  | 20,6  | 12,86       |
| 2002                              | 20,97  | 23,06 | 13,89       |
| 2003                              | 20,88  | 23,82 | 15,43       |
| 2004                              | 22,58  | 25,0  | 16,13       |
| 2005                              | 23,24  | 26,03 | 14,87       |
| 2006                              | 23,57  | 26,17 | 15,19       |
| 2007                              | 21,28  | 21,31 | 14,12       |
| 2008                              | 21,98  | 20,08 | 15,74       |
| 2009                              | 25,43  | 24,25 | 19,09       |
| 2010                              | 24,28  | 23,85 | 20,58       |
| 2011                              | 26,93  | 26,49 | 21,21       |
| 2011 йилда 2000 йилга нисбатан, % | 120,5  | 120,2 | 162,3       |

Манба: İSTATİSTİK GÖSTERGELER Statistical Indicators 1923-2011 / TÜRKİYE İSTATİSTİK KURUMU Turkish Statistical Institute. – Ankara, 2012. – P.188.

Туркия аграр секторида пахтачилик ўзига хос муҳим ўрин тутди. Бу тармоқнинг аҳамияти нафақат тўқимачилик саноатига хом ашё етказиб бериши билан, балки кўплаб ижтимоий вазифаларни, хусусан, янги иш ўринларини яратиши, аҳоли даромадларининг ошишига ижобий таъсир кўрсатиши билан ҳам аҳамиятлидир. Айтиш вақтда Туркия пахта толеси ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда 6-ўринни эгаллайди.

Туркия Республикасида пахтачилик тармоғи ривожланиши ҳақида сўз юритганда, бу соҳада ҳосилдорликни ошириш борасида эришилган

йотуқларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, 2000-2011 йилларда Туркияда пахта ҳосилдорлиги 30,8 фоизга ўсди. Агар 2000 йилда ҳар гектар майдондан 1345 кг пахта толаси олинган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 1761 кг га етди. Пахта ҳосилдорлиги бўйича Туркия Исроил ва Австралиядан сўнг учинчи натижага эришди. Ваҳоланки, XX асрнинг 90-йиллари бошларига қадар мамлакат пахта ҳосилдорлиги бўйича 780 кг/гектар кўрсаткич билан Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистондан анча орқада эди (у даврда Ўзбекистонда пахта толаси ҳосилдорлиги 800 кг/гектардан юқори эди).

## 2.6-жадвал

### Туркияда пахта ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари

| Йиллар                            | Ялпи ҳосил, минг тонна | Майдони, га | Ҳосилдорлик, кг/га |
|-----------------------------------|------------------------|-------------|--------------------|
| 2000                              | 879940                 | 654177      | 1345               |
| 2001                              | 914404                 | 684665      | 1336               |
| 2002                              | 988120                 | 721077      | 1370               |
| 2003                              | 919531                 | 637329      | 1443               |
| 2004                              | 935928                 | 640045      | 1462               |
| 2005                              | 863700                 | 546880      | 1579               |
| 2006                              | 976540                 | 590700      | 1653               |
| 2007                              | 867716                 | 530253      | 1636               |
| 2008                              | 673400                 | 495000      | 1360               |
| 2009                              | 638250                 | 420000      | 1520               |
| 2010                              | 816705                 | 480650      | 1699               |
| 2011                              | 954600                 | 542000      | 1761               |
| 2011 йилда 2000 йилга нисбатан, % | 108,5                  | 82,8        | 130,9              |

Манба: İSTATİSTİK GÖSTERGELER Statistical Indicators 1923-2011 / TÜRKİYE İSTATİSTİK KURUMU Turkish Statistical Institute. – Ankara, 2012. – P.184.; P.185; P190. асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000-2011 йиллар давомида Туркия Республикасида пахта майдони 17,2 фоизга қисқаргани ҳолда унинг ҳосилдорлиги 30,9 фоизга ўсган. Бу эса ўз навбатида ялпи ҳосилнинг 8,5 фоизга ўсишини таъминлаган. Бу шундан далолат берадики, сўнгги йилларда Туркияда аграр соҳани давлат томонидан тартибга солиш меҳниси самарали тарзда йўлга қўйилган. Пахта ишлаб чиқаришда

уруғчилик ва селекциядан бошлаб уни етиштириш, йиғиб-териб олишгача бўлган жараёнга пахтачилик соҳасида қўлга киритилган фан-техника ютуқларини жорий этишга, пахта етиштиришдан фермерларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор қилинмоқда.

### **3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АГРАР ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШДА ТУРКИЯ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

#### **3.1. Ўзбекистонда аграр ривожланиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан жаҳон тажрибасида кўлга киритилган ютуқларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида уларни Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда амалиётга татбиқ этишга боғлиқ. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, аграр соҳани ривожлантириш бўйича жаҳон амалиётида бой тажриба тўпланган. Бу соҳада ривожланган мамлакатлар тажрибаси алоҳида аҳамиятга эга. Шу билан бирга ривожланган мамлакатларнинг аксариятида ер хусусий мулк эканлиги ва шу жиҳатдан республикамиздан фарқ қилишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

**АҚШ.** АҚШда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шакли фермалар ҳисобланади. Барча фермалар икки гуруҳга ажратилган: кичик ва йирик. Кичик фермаларга йиллик даромади 250 минг долларгача бўлган фермалар киритилади. Йирик фермаларнинг йиллик даромадлари 250 минг ва ундан кўп миқдорни ташкил қилади<sup>18</sup>. АҚШ қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимида давлат товар дастурлари алоҳида ўрин тутиб, унда ерларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилади. Ерларнинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари асосан давлат томонидан молиялаштирилади. Давлат товар дастурлари доирасида бажариладиган ишларнинг 26 фоизи кичик фермалар, қолган қисми йирик фермалар

---

<sup>18</sup> Экономика США /Под ред. В.Б. Супяна. – СПб.: Питер, 2003. – С.321

томонидан амалга оширилади. Шуниси диққатга сазоворки, йирик фермалар ирригация ва мелиорация тадбирларини асосан ўз маблағлари ҳисобига молиялаштирсалар, кичик фермаларда бу тадбирларнинг 95 фоизи давлат томонидан молиялаштирилади<sup>19</sup>.

АҚШда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишлари харид-гаров операциялари, кафолатланган нархлар ва экин майдонини қисқартиргани учун бевосита тўловлардан иборат. Давлат томонидан тартибга солишда айниқса, кафолатланган нархлар муҳим ўрин тутиб, бугунги кунда фақат муайян шартларга амал қилаётган, хусусан, ер ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш, ерларнинг унумдорлигини ошириш тадбирларини амалга ошираётган фермаларга кафолатланган нархлар тақдим этилади<sup>20</sup>.

АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлигида Давлат тупроқ хизмати фаолият юритади. Унинг асосий вазифаси тупроқ унумдорлиги мониторингини юритишдан иборат. Бу ташкилот томонидан аниқ ер участкалари учун муайян технологиялар ишлаб чиқилган бўлиб, бу технологиялар тупроқ унумдорлигининг пасайиб кетишига йўл қўймайди, шу сабабли фермер тупроқ унумдорлиги тўғрисида қайғурмайди. Тақдим этилган аниқ технологиялар ва тавсиялар асосида у кредит олади ва суғурта қилинади. Агар Давлат тупроқ хизмати томонидан тавсиялар берилган бўлса, кўзда тутилмаган (форс-мажор ҳолати) зарар суғурта компанияси томонидан тўланади<sup>21</sup>. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, АҚШда ер унумдорлигини ошириб боришнинг аниқ механизми ишлаб чиқилган.

**Япония.** Японияда 1928 йилда давлат томонидан ерга бўлган муносабатни юқори поғонага кўтариш бўйича катта ишлар бошланган, 1949 йилда «Ерларни яхшилаш тўғрисида» (ТотиКайрехо), 1952 йилда эса,

---

<sup>19</sup> Экономика США /Под ред. В.Б. Супяна. – СПб.: Питер, 2003. – С.321

<sup>20</sup> Андреева Н. Сельское хозяйство США: факторы, определяющие высокую эффективность отрасли /Человек и труд. 2008. - №8. – С.35

<sup>21</sup> Куст Г. Земля, погубленная за наш счет / <http://www.forbes.ru>

«Ҳайдаладиган ерларни яхшилаш тўғрисида»ги (КодоБайеҳо) қонунлар қабул қилинган.

Иккала қонун ҳам давлат томонидан ишлаб чиқилган пухта дастурга асосланган бўлиб, асосан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, кичик-кичик ер майдонларини бирлаштириш, ерлар унумдорлигини яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олган. 1965 йилдан бошлаб, ерларни яхшилаш 10 йиллик давлат дастурлари доирасида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилди. Давлат томонидан белгиланган биринчи дастур бўйича (1965-1974) 2,6 триллион иен, иккинчи дастур бўйича эса 32,4 триллион иен (1983-1993) маблағ ажратилди ва ишлатилди. Агарда биринчи дастур орқали йилига ўртача 0,26 триллион иен сарфланган бўлса, учинчи дастурда йилига ўртача 3,23 триллион иен ишлатилди. Бу биринчи дастур бўйича сарфланган маблағга нисбатан 13 маротаба кўп бўлиб, унинг деярли 90 фоизи давлат томонидан ажратилган<sup>22</sup>.

**Хитой** аҳолиси салкам 1,3 млрд нафарни ташкил қилади. Умумий фойдаланадиган ерлари 138 миллион гектар бўлиб, жон бошига 0,11 гектардан тўғри келади. Ҳайдаладиган ер майдони - 100 миллион гектар бўлиб, шундан 50 миллион гектари суғориладиган ерлар.

Хитойдаги ерларнинг сифати тўғрисида сўз юритганда шуни таъкидлаш лозимки, жами ҳайдаладиган ерларнинг 41 фоизини 1-тоифали ерлар ташкил этади. Бу ерлар ўзининг юқори унумдорлиги билан ажралиб туради. 2-тоифали ерлар ўртача сифатга эга бўлган ерлар бўлиб, жами ҳайдаладиган ерларнинг 35 фоизи мазкур ер тоифасига тўғри келади. 3-тоифали ерлар сифати ёмон ерлар ҳисобланади ва жами ҳайдаладиган ерларнинг 20 фоизини эгаллайди. Жами ҳайдаладиган ерларнинг 4 фоизи кишлок хўжалигига яроқсиз ерлар ҳисобланади<sup>23</sup>.

---

<sup>22</sup> [www.embjapan.ru](http://www.embjapan.ru)

<sup>23</sup> Линь Фэй Х. Рынок земли Китая в новых экономических условиях // Пробл. теории и практики упр. - 2009. - N 6. - С.67.

Умуман олганда Хитойда ернинг сифатини ўртача баҳолаш мумкин. Жами ҳайдаладиган ерларнинг 60 фоизга яқинини унумдорлиги турли омиллар таъсирида паст бўлган ерлар ташкил этади. Хусусан, жами ҳайдаладиган ерларнинг 8,5 фоизи эрозияга учраган, 11,4 фоизи эрозия хавфини ошишига олиб келадиган текис бўлмаган майдонда жойлашган, 9,2 фоизи сув босган майдонлар, 6,6 фоизи кучли шўрланган, 10 фоиздан кўпроғида кум таркиби ҳаддан зиёд юқори, 3,5 фоизи етарли даражада чуқур бўлмаган унумдор қатламга эга, 0,4 фоизи тошлоқ ерлар, 9,3 фоизи сув билан етарли даражада таъминланмаган, 1,1 фоизи етарли ҳароратга эга эмас<sup>24</sup>.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг чекланганлиги, аҳоли сонининг кўплиги ва зичлик даражасининг юқорилиги, урбанизация даражасининг ошиши, мамлакат иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланиши ва бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги оборотидан ер майдонларининг чиқиб кетиши ҳамда экологик муаммоларнинг кескинлашуви ер унумдорлиги ва ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишни энг долзарб муаммолардан бирига айлантирди. Шу муносабат билан ер унумдорлигини ошириш, ер майдонлари, айниқса, ҳайдаладиган ерлар майдонининг қисқаришини олдини олиш бўйича кескин чоратадбирлар тизимини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда Хитойда ер унумдорлигини ошириш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида сўз юритганда, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ерларнинг сифати давлат томонидан қатъий назоратга олинган. Уни назорат қилиш, мониторингини юритиш 1986 йилда қабул қилинган “Ерларни бошқариш тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади. Бевосита ХХР Давлат Кенгашига бўйсунувчи Ерларни бошқариш Давлат бюроси қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, айниқса, ҳайдаладиган ерларнинг муомаладан чиқиб кетмаслиги, ер унумдорлигини оширишни

---

<sup>24</sup> Линь Фэй Х. Рынок земли Китая в новых экономических условиях // Пробл. теории и практики упр. - 2009. - N 6. - С.69.

рағбатлантириш ва ер сифатини ёмонлашгани учун ҳуқуқий жавобгарлик масалалари билан шуғулланади.

1994 йилда қабул қилинган “Асосий ҳайдаладиган ерларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Низом ҳайдаладиган ерларни муҳофаза қилиш ва уларнинг унумдорлигини оширишни рағбатлантиради. Юқоридаги қонун ҳужжатлари асосида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

1. Ҳайдаладиган ерлар сифатига шахсан раҳбарлар масъул этиб тайинландилар. Раҳбарлар фаолиятига баҳо беришда ҳайдаладиган ерлар унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар асосий омиллардан бири ҳисоблана бошлади.

2. Барча маъмурий бирликлар даражасида ерлардан фойдаланиш бўйича Бош режалар тузилди. Мазкур режаларда ҳайдаладиган ерлар майдонларининг қисқариши ва унумдорлигининг пасайишига йўл қўймаслик бўйича қатъий меъёрлар белгилаб берилди.

3. Қўриқ ва ташландиқ ерларни ҳайдаш бўйича ишлар фаоллаштирилди.

4. Ер ресурслари инвентаризациядан ўтказилди. Давлат ер бошқармаси бир неча йил давомида катта маблағлар эвазига ер ресурсларини инвентаризациядан ўтказишга эришди. Бу жараёнда ерлар сифат ва миқдор жиҳатдан баҳоланди. Тўпланган маълумотлар ер ресурсларидан фойдаланиш Бош режаларини тузишда муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Кейинчалик қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари янада такомиллаштирилди. Хусусан, 1998 йилда “Ерларни бошқариш тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди, 2004 йилда унга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилди. Бу қонунда ер унумдорлигининг пасайиши учун жавобгарлик даражаси оширилди.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни умумлаштириш натижалари шуни кўрсатадики, Хитойда ерларнинг унумдорлигини оширишда бозор механизмлари ва маъмурий усуллардан биргаликда фойдаланиш усутвор ўринга эга. Бу эса ўз самарасини намоён қилмоқда ва сўнгги йилларда Хитой аграр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда сезиларли ютуқларга эришди.

**Туркия.** Туркия ҳудудининг ҳажми бўйича дунёдаги йирик мамлакатлардан бири саналади. Мамлакат ҳудудининг 44,3 фоизини ўрмонлар ва 55,7 фоизини қишлоқ хўжалик ерлари ташкил қилади. Унумдор ерларнинг 81,6 фоизи лалми ерлар, 18,4 фоизи ирригация усулида суғорилади. Суғориладаган ерлар ҳажми бўйича мамлакат Европада 3-ўринни эгаллайди. Туркия Европа Иттифоқига аъзо бўлиши билан унумдор ерлар ҳажмини 41 млн. гектарга етказишни режалаштирган ва бу майдон Европа Иттифоқи ерларнинг 22 фоизига тенг бўлади<sup>25</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Туркия сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулолари ишлаб чиқариш бўйича сезиларли муваффақиятларга эришди. Хусусан, турли йиллардаги тафовутларга қарамасдан, Туркия анжир, ўрик ва майиз ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда 1-ўринда, сабзавот ва узум ишлаб чиқариш бўйича 4-ўринда, тамаки ишлаб чиқариш бўйича 6-ўринда, пахта ишлаб чиқариш бўйича 7-ўринда ва буғдой ишлаб чиқариш бўйича 8-ўринда туради<sup>26</sup>. Бу муваффақиятлар кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар унумдорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан боғлиқ.

Туркияда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар унумдорлигини оширишда давлат томонидан йирик ирригация тизимини ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар алоҳида ўрин тутди. Бу соҳада

---

<sup>25</sup> [www.reach4turkey.com](http://www.reach4turkey.com)

<sup>26</sup> İSTATİSTİK GÖSTERGELER Statistical Indicators 1923-2011 / TÜRKİYE İSTATİSTİK KURUMU Turkish Statistical Institute. – Ankara. 2012. – P.195

Жануби-Шарқий Анатолия лойиҳасининг ўрни беқиёс бўлди. Ушбу ирригация тизимининг ишга туширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли даражада оширишга эришилди.

Шунингдек, суғориладиган ерлар унумдорлигини оширишга сарфланадиган харажатлар учун арзон кредитлар жорий этиш ва ердан фойдаланувчиларни бевосита қўллаб-қувватлаш амалиёти ҳам ерлар унумдорлигини оширишни рағбатлантиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Хусусан, 2007 йилда ердан фойдаланувчиларга тўғридан-тўғри моддий қўллаб-қувватлаш учун 2,65 млрд. турк лираси ажратилди.

**Россия Федерацияси.** Россия Федерациясида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 220,7 млн. гектарни ёки мамлакат ер фондининг 12,9 фоизини ташкил этади. Унинг 122,1 млн гектари ҳайдаладиган ерлар, 1,8 млн гектари кўп йиллик ўсимликлар, 24 млн гектари ўтлоқлар, 68,0 млн. гектари яйловлардан иборат<sup>27</sup>.

Ерларнинг давлат мониторинги маълумотларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, Россия Федерациясининг барча субъектларида ерларнинг сифат кўрсаткичлари интенсив суръатларда ёмонлашмоқда. Жами қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 17,8 фоизи сув эрозиясига, 8,4 фоизи шамол эрозиясига, 2,4 фоизи шамол ва сув эрозиясининг биргаликдаги таъсирига учраган. Ҳаддан ташқари намлиги ортиб кетган ва ботқоқлашган ерлар жами қишлоқ хўжалиги ерларининг 12,3 фоизини ташкил этади. Шўрланган ерларнинг улуши эса 20,1 фоизга тенг.

Кўриниб турибдики ерларнинг унумдорлигини ошириш бугунги кунда Россия Федерациясида энг долзарб муаммолардан бирига айланган. Шу муносабат билан Россия ҳукумати ерларнинг унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш бўйича қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Бундай тадбирлар орасида Россия Федерацияси ҳукуматининг 2006 йил 20 февралда қабул

---

<sup>27</sup> Земельные ресурсы /www.priroda.ru/regions/earth

қилинган “Россиянинг миллий бойлиги сифатида 2006-2010 йиллар ва 2013 йилларгача мўлжалланган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тупроқлари ва агроландшафтларнинг унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклаш мақсадли федерал дастури ҳақида”ги Қарори алоҳида аҳамият касб этади.

Дастурнинг асосий мақсади замонавий фан ва техника ютуқларидан фойдаланиб, агрокимёвий, гидромелиоратив, техник ва технологик, сув хўжалиги ва ташкилий тадбирларни амалга ошириш орқали қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар тупроқларининг унумдорлигини қайта тиклаш ва ошириш асосида қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар ва агроландшафтлардан оқилона фойдаланиш, юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун шарт-шароитлар барпо этишдан иборат.

Дастурдан кутилаётган самара қуйидаги кўрсаткичларда ўз аксини топади:

- 5,55 млн гектар қишлоқ хўжалиги ерларининг қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетишининг олдини олиш;
- қишлоқ хўжалигига яроқли бўлмаган ерлардан 3,2 млн гектарини қишлоқ хўжалиги оборотига жалб қилиш;
- 397 минг гектар мелиорация тадбирлари амалга оширилаётган ерларни фойдаланишга топшириш;
- Чернобил АЭСда юз берган фалокат туфайли зарар кўрган 37 минг гектар ерни қишлоқ хўжалиги оборотига жалб этиш;
- тупроққа 15,8 млн тонна минерал ўғитлар киритиш;
- 158,7 минг гектар ерни сув эрозияси, сув босиш ва ер ости суви таъсиридан ҳимоя қилиш;
- 585 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерларини шамол эрозияси ва чўлланишдан ҳимоя қилиш;

- 2037,5 минг гектар майдонни гипслаш ва 475 минг гектарни фосфоритлаш йўли билан тупроқларнинг кислоталаниш даражасини камайтириш;

- қишлоқ жойларда мавжуд иш ўринларини сақлаш ва 108 мингта янги иш ўринларини яратиш.

Дастурни уч босқичда амалга ошириш кўзда тутилган.

Биринчи босқич 2006-2008 йилларни ўз ичига олган бўлиб, унда кўзда тутилган вазифалар деярли тўлиқ бажарилди. Энг аввало тупроқлар агрокимёвий ва экологик-токсикологик нуқтаи назардан ўрганиб чиқилди, харитограммалар тузилди ва агрокимёвий ишларнинг маълумотлар базаси яратилди, ердан фойдаланувчиларга ўғитларни жорий этиш режалари тақдим этилди ва деҳқончиликнинг илмий асосланган тизими ишлаб чиқилди.

Ушбу босқичда мелиоратив тизимларни реконструкция қилиш ва қайта тиклаш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни суғориш, эрозияга қарши гидротехник иншоотларни қуриш, шунингдек агрокимёвий тадбирларни амалга ошириш бўйича ишлар амалга оширилди.

Иккинчи босқич (2009-2010 йиллар) қатор тадбирларни амалга оширишни кўзда тутиб, унинг натижалари бўйича ҳисобот тайёрланмоқда. Дастлабки ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, 1,7 млн гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонида мониторинг ўтказиш учун агроахборот тизимлари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тупроқларининг унумдорлигини мажмуавий тарзда кенг кўламда хариталаштириш амалга оширилди. Шу билан бирга Россия Федерацияси субъектларида 17 млн гектар ер майдонида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни агрокимёвий ва экологик-токсикологик тадқиқ этиш маълумотлари таҳлил қилинди ва тегишли хулосалар чиқарилди.

Учинчи босқич 2011-2012 йилларни ўз ичига қамраб олиб, бу босқичда дастлабки икки даврда бошланган чора-тадбирлар мантикий ниятисига етказилиши кўзда тутилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар унумдорлигини ошириш бўйича юқорида кўриб чиқилган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, ерлар унумдорлигини ошириш бўйича ишларни молиялаштириш энг аввало, давлат томонидан амалга оширилади. Шу билан бирга ердан фойдаланувчиларнинг ер унумдорлигини оширишдан манфаатдорлигини таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш ер унумдорлигини сақлаб қолиш ва оширишда алоҳида аҳамиятга эга.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини оширишни рағбатлантириш бўйича жаҳон тажрибасини умумлаштириш ундан Ўзбекистонда қуйидаги йўналишларда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатмоқда:

- қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини оширишни рағбатлантириш учун муайян шартларга амал қилаётган, хусусан, ер ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш, ерларнинг унумдорлигини ошириш тадбирларини амалга ошираётган фермерлар ишлаб чиқарган маҳсулотларга давлат томонидан кафолатланган нархлар тақдим этиш;

- аниқ ер участкалари учун зарур бўлган технологиялар ва тавсиялар ишлаб чиқиш асосида фермер хўжаликларига маслаҳат хизматларини кўрсатиш, ушбу технологиялар ва тавсиялар асосида фермер хўжаликларига кредитлар тақдим этиш ва суғурта хизматини кўрсатиш;

- қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини оширишни рағбатлантиришда оқилona маъмурий бошқарув ва бозор механизмларидан самарали нисбатда фойдаланиш;

- қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар унумдорлигини оширишга қаратилган узоқ муддатли дастурлар ва уни амалга оширишнинг аниқ механизмини ишлаб чиқиш.

### 3.2. Ўзбекистон иқтисодиётида аграр ислохотларни чуқурлаштириш истиқболлари

Қишлоқ хўжалиги – Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр тармоқда тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги республикаимизнинг истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига хомашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.



3.1-расм Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўсиш суръатлари ва унинг ЯИМдаги улушининг ўзгариши

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

2011 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 17,1 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келди. Аграр тармоқ юртимиз аҳолисининг салмоқли қисмини иш ўринлари билан таъминлаб келмоқда. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи республикаимиз

иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, янги техника ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда.


Ўтган 2005-2011 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик барқарор ўсиш суръатлари динамикаси таъминланди. Хусусан, бу кўрсаткич 2005 йилда 105,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда 106,6 фоизга тенг бўлди. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг 2005 йилдаги 26,3 фоиздан 2011 йилда 17,1 фоизга пасайиши ижобий ҳолдир. Бу аввало мамлакатимиз иқтисодиётида индустриал саноат тармоқлари ва хизматларнинг жадал ривожланиб бораётгани билан изоҳланади.

Юртимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, экин навлари ва чорва моллари зотини, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.

Бунинг самараси ўлароқ, 1990-2011 йилларда дон етиштириш 3,7 баробарга яқин, картошка 5 баробар, сабзавот 2,2 баробардан ортиқ, мева 2,6 баробар, узум 1,3 баробардан зиёд, гўшт (тирик вазнда) 1,9 баробарга, сут 2

баробардан ва тухум 2,4 баробардан кўпроқ ошганлиги фикримизнинг далилидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат экин майдонларини кенгайтириш эвазига эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ҳисобидан таъминланмоқда.



3.2-расм. Ўзбекистонда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ўзгариш динамикаси, центнер ҳисобида

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Расмдан кўриниб турибдики, ўтган 20 йилдан ортиқроқ давр мобайнида асосий турдаги экинларнинг ҳосилдорлиги муттасил ўсиб бориш суръатига эга бўлган. Хусусан, 2010 йилда 1990 йилга нисбатан пахта ҳосилдорлиги гектарига 22,6 центнердан 25,6 центнерга ёки 113,3 фоизга, донли экинлар ҳосилдорлиги 20,2 центнердан 44,2 центнерга ёки 218,8 фоизга, картошка ҳосилдорлиги 80 центнердан 194,9 центнерга ёки 243,6 фоизга, сабзавот ҳосилдорлиги 192,0 центнердан 252,5 центнерга ёки 131,5 фоиз га ва полиз ҳосилдорлиги 115 центнердан 192,6 центнерга ёки 167,5 фоизга ошган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 1990 йилда республикаимиз аҳолиси истеъмоли учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизга яқини, картошканинг 50 фоизи, шакар ва куруқ сутнинг барчаси четдан келтирилган бўлса, ҳозирда мамлакатимизда озиқ-овқат масулотлари етиштиришнинг барқарорлиги ҳисобидан аҳолининг асосий истеъмол маъсулотларига бўлган эҳтиёжи деярли юз фоиз ўз ишлаб чиқаришимиз ҳисобидан таъминланмоқда. Жумладан, агар 1991 йилда аҳоли жон бошига нисбатан 24,0 кг мева, 24,0 кг узум, 138,6 кг сабзавот, 15,1 кг картошка ва 39,0 кг полиз маҳсулотлари етиштирилган бўлса, 2011 йилга келиб аҳоли жон бошига 60,1 кг мева (250,4 фоиз), 35,1 кг узум (146,2 фоиз), 225 кг сабзавот (162,3 фоиз), 60,5 кг картошка (400,6 фоиз) ва 42,0 кг полиз маҳсулотлари (107,6 фоиз) етиштирилди.

### 3.1-жадвал

#### Ўзбекистонда аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси, кг

| Маҳсулотлар тури | 1991<br>йил | 2011<br>йил | 2011 йил 1991 йилга<br>нисбатан, фоиз да |
|------------------|-------------|-------------|------------------------------------------|
| Мева             | 24,0        | 60,1        | 250,4                                    |
| Узум             | 24,0        | 35,1        | 146,2                                    |
| Сабзавот         | 138,6       | 225,0       | 162,3                                    |
| Картошка         | 15,1        | 60,5        | 400,6                                    |
| Полиз            | 39,0        | 42,0        | 107,6                                    |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари

Мустақиллик йилларида аграр соҳада босқичма-босқич олиб борилган изчил ислохотлар туфайли республикаимизда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш миқдори барқарор ўсиб борди. Жумладан, 2011 йилда 1991 йилга нисбатан аҳоли жон бошига гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 31 кг.дан 38 килограмм ёки 122,6 фоизга, сут маҳсулотлари 183 килограммдан 239 килограммга ёки 130,3 фоизга, тухум 97 донадан 138 донага ёки 142,3 фоизга ошган. Республикаимиз қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга ошириб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг

боришини таҳлил этиш асосида уларнинг қуйидаги асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- мулкӣй ва таркибӣй ислоҳотлар;
- ердан фойдаланиш борасидаги ислоҳотлар;
- сув ва сувдан фойдаланиш муносабатларидаги ислоҳотлар;
- молия-кредит, солиқ ва суғурта соҳасидаги ислоҳотлар;
- нарх-наво тизимидаги ислоҳотлар.

Аграр соҳада амалга оширилаётган мулкӣй-таркибӣй ислоҳотларда биринчи навбатда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, турли мулк шакллариға, энг аввало хусусӣй мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шаклларини жорий этишға муҳим эътибор қаратилди. Иқтисодӣй ислоҳотларнинг дастлабки босқичлариданок зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликларини босқичма-босқич тугатиб, фермер хўжаликлариға айлантириш борасида йирик таркибӣй ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ислоҳотлар натижасида 1999-2007 йилларда жами 2102 та истиқболсиз ширкат хўжалиги босқичма-босқич тугатилиб, уларнинг негизида 158738 та фермер хўжалиги ташкил этилган эди.

Пухта ўйланган дастур асосида 2008-2010 йиллар давомида ўтказилган мақбуллаштириш жараёни натижалариға кўра фермер хўжаликларининг ер майдонлари ҳажми мақбуллаштирилди.

Бу жараёнда фермер хўжаликларининг иқтисодӣй самарадорлигини ўстиришға имкон яратувчи қуйидаги омиллар эътиборға олинди:

- фермер хўжаликлари ихтиёрида бўлган ер майдонларидан яхлит контурларда, ягона тартибда мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

- фермер хўжаликларининг қайси соҳаға ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги аҳоли зичлигини эътиборға олиш;

- сув ва бошқа моддий ресурсларни тежайдиган янги агротехнологияларни қўллашға қулай шароит яратиш;

- йириклаштирилган фермер хўжаликларининг комплекс механизациялашув борасидаги молиявий имкониятларини кенгайтириш;

- зарар билан ишлаётган ва ўзини оқламаётган кичик фермер хўжаликларининг фаолиятига барҳам бериш.

Амалга оширилган мақбуллаштириш жараёни натижасида, 2011 йил якунига кўра, республикамиздаги фермер хўжаликларининг сони 215 776 тадан 66134 тага ёки 69,4 фоизга камайтирилди, бунда бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони ҳажмини 27,4 гектардан 80,1 гектаргача кўпайтиришга эришилди. Ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдонини тармоқлар бўйича олиб қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич пахтачилик ва ғаллачиликда 106,3 гектарга, сабзавотчилик ва полизчиликда 23,5 гектарга, боғдорчилик ва узумчиликда 13,1 гектарга, чорвачиликда 205 гектарга тенг бўлмоқда

Республикамизда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқдир. Бу борада айниқса қулай молия-кредит ва солиқ механизмларини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Ислохотлар давомида фермер хўжаликларини молия-кредит ва солиқ механизми орқали қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимига асос солинди:

- давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими йўлга қўйилди;

- фермер хўжаликлари учун ерларнинг унумдорлигига боғлиқ бўлган ягона ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзларжорий этилди;

- фермерларга техника воситаларини имтиёзли шартлар бўйича лизинг асосида етказиб бериш тартиби жорий этилди;

- фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди;

- балл бонитети паст бўлган ерларда пахта ва ғалла етиштирадиган фермер хўжаликларининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам бериш тизими жорий этилди;

- ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиётга татбиқ қилинади.

Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит сиёсатида деҳқон (юримдик шахс мақомидаги) ва фермер хўжаликлари учун бир қатор имтиёзлар белгиланган бўлиб, уларни қуйидагиларда қўриш мумкин:

- тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдалангани учун имтиёзли фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;


- “Микрокредитбанк”нинг маблағлари ҳисобидан бериладиган, энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача бўлган бошланғич сармоя учун микрокредитлар йиллик 5 фоизли ставкада, бизнесни кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача микрокредитлар Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

- янги ташкил этилган, юримдик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 150 баробари, фермер хўжаликларига эса 300 баробари миқдорида бошланғич сармоя учун йиллик 5 фоизли имтиёзли кредитлар бериш йўлга қўйилди;

- давлат эҳтиёжи учун дон ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига бериладиган аванс маблағларининг олдиндан 3 фоизли имтиёзли ставка билан кредит тарзида берилиши йўлга қўйилди.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун

етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси маълумотларига кўра, 2003-2011 йилларда республикамизда давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратилаётган имтиёзли кредитлар қиймати 2003 йилдаги 309,1 миллиард сўмдан 2011 йилда 1 598,8 миллиард сўмга ошди.



3.3-расм. Ўзбекистонда 2003-2011 йилларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилган имтиёзли кредитлар, млн. сўмда  
Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлариغا ажратилаётган имтиёзли кредитларнинг йиллик фоиз ставкаси тижорат кредитлари фоиз ставкасидан 2-3 баробар паст бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатининг натижасидир ва фермерларнинг молиявий имкониятларини кенгайтиради.

Солиққа тортиш ва солиқ тўлаш механизмини соддалаштириш мақсадида мамлакатимиз Президентининг Фармони билан фермер хўжаликлари томонидан тўланадиган тўққизта солиқ тури ўрнига 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ягона ер солиғи жорий қилинган бўлиб, у ҳар томонлама қулайликка эга. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қишлоқ хўжалиги соҳасида бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари қўлланади:

- янгидан ташкил этилган, пахта, ғалла, сабзавот, полиз, картошка ва бошқа маҳсулотлар етиштирадиган фермер хўжаликлари 2 йил муддатга,

боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этилди;

- фермер ўз ҳисобидан ўзлаштирган ер учун беш йил давомида ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги 304-сонли қарорига асосан, хорижий техникалари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловлари ҳамда чет эл техникалар учун эҳтиёт қисмлар олиб келишда қўшилган қиймат солиғидан озод этилган;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 мартдаги 308-сонли қарорига мувофиқ, чет эллардан чорва моллари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи тўловларидан озод этилган.

Фермер хўжаликлари техника воситаларини имтиёзли шартлар бўйича лизинг асосида харид қилиши учун техника бошланғич нархининг 15 фоизини тўлаб, қолган 85 фоизини 10 йил муддат ичида тўлаш имкониятига эга бўлди. Бунда лизингдан фойдалангани учун йиллик фоиз тўловлари Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмайдиган қилиб белгиланди.

Аграр соҳада амалга оширилаётган нарх ислоҳоти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх белгилашда эркин бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этишга йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 августдаги «Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида»ги ПФ-3114-сонли фармони асосан, давлат томонидан сотиб олинаётган пахта хомашёсининг нархини жаҳон бозоридаги нархлар даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли қарорига мувофиқ, 2009 йилда давлат бюджети параметрларида экспортга сотиладиган пахта толаси бўйича 20 фоизлик қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўлашдан пахта тозалаш корхоналари озод этилди, натижада шу миқдорда фермерларга пахта


учун тўланадиган харид нархлари оширилди. Шу орқали давлатимиз томонидан пахта етиштирувчи фермер хўжаликларини ва тайёрлов корхоналарини рағбатлантириш кўзда тутилган бўлиб, пахта толасининг ички нархларини жаҳон бозоридаги нархларга тенглаштириш чоралари кўрилмоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда жаҳон бозорида пахта толаси нархларининг бирмунча юқори эканини инобатга олган ҳолда, нарх бўйича юзага келган ижобий фарқнинг 25 фоизини фермер хўжаликларига тўлаб бериш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2011 йил давомида фермер хўжаликларига йўналтирилган ижобий фарқ суммаси 403 315 миллион сўмни ташкил этди. Бу ҳолат жаҳон бозорида қулай конъюнктура вужудга келган йилларда фермер хўжаликларининг барқарор даромад олиши учун янги имкониятлар очади.

Давлат томонидан сотиб олинаётган ғалла нархларини эса минтақавий бозорлардаги нархлардан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди. Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархлари бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, шартнома асосида белгиланмоқда.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратиш амалиётда қўлланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги “Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-725-сонли Қарорида фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга самарали ва амалий давлат мададини кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-

қувватлаш учун мақсадли маблағлар ажратиш, Молия вазирлигига ҳар йили Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда мазкур мақсадларга ер солиғи бўйича тушумлар ҳисобидан маблағлар ажратиш вазифаси юклатилди.

Мазкур қарорга мувофиқ, балл бонитети паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси етиштириш билан шуғулланаётган фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар қиймати 2008 йилдаги 60 миллиард сўмдан 2012 йилда 160 миллиард сўмга ошди.



3.4-расм. Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларига давлат бюджетидан ажратилаётган субсидиялар қиймати, миллиард сўмда.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари

Ушбу маблағлар фермерларнинг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар олдидаги қарзларини қисқартиришда салмоқли манба бўлмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг реал тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янги босқичга кўтариш масалалари шу куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Шу муносабат билан мухтарам Президентимиз томонидан чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик каби соҳаларда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва

амалда қўллаш, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонавий суғориш тизимлари, энергияни тежайдиган замонавий технология ва агротехнологияларни ўрганиш, уруғчилик-селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган эди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш орқали тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” да баён этилган. Ушбу концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар асосида Ўзбекистон республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурда 2011-2015 йиллар мобайнида:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 17,5 фоиздан 13,5 фоизга пасайтириш;

- қишлоқ хўжалигида илғор агротехнологиялар, ресурсларни тежайдиган усулларни жорий этиш, селекция ва уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳисобидан экинлар ҳосилдорлигини оширишга эришилади. Бунда минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини 15 фоизга ошириш, сув сарфини 12 фоизга камайтириш;

- мева-сабзавот тайёрлашни 1,5 баробари, картошка етиштиришни 1,4 баробар, полиз ва узумни 1,3 баробар кўпайтириш;

- наслчилик ишларини такомиллаштириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар ва модернизация натижасида наслчилик хўжаликлари сонини 2,5 баробардан, озуқа экинлари майдонини 1,3 баробар ошириш;

- зооветеринария пунктларини замонавий жиҳозлаш, хизматлар сифатини ошириш ҳисобидан чорва моллари сонини 1,3 баробар, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш;

- паррандачилик ва балиқчилик тармоқлари ривожига алоҳида аҳамият қаратиб, паррандалар сонини 1,8 марта ошириб, 670 та балиқчилик хўжалиги ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш қувватларини ва қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш тадбирлари доирасида қишлоқларда замонавий минитехнологиялар негизида қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш орқали мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришни 1,7 баробар, гўшт консерваларини 2,2 баробар, колбаса маҳсулотларини 1,8 баробар, сут маҳсулотларини 1,9 баробар ошириш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мелиоратив иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш ва мелиорация техникаларини харид қилиш бўйича қарийб 500 миллион долларга тенг бўлган лойиҳалар ҳисобидан 1,4 миллион гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

- қишлоқ хўжалиги техникаси паркларини кенгайтириш, уларни сифат жиҳатдан янгилаш, фермерларни унумли қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш, хизмат сифатини яхшилаш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим прогноз вазифалари белгиланган.

Республикамизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш юзасидан жами 575 гектар ер майдонларида интенсив боғлар барпо этилди. Бу боғларда юқори истеъмол хусусиятига эга ва серҳосил бўлган мевали дарахт кўчатлари экилмоқда. Бундай боғларнинг яратилиши мамлакатимиз аҳолисини сифатли мева маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш имконини яратади. Биргина 2011 йилнинг кузи ва 2012 йилнинг баҳорида жами 7661

гектар майдонда янги мевали боғлар, шундан 2110 гектар ерга майдонга интенсив боғлар барпо этиш, 8518,8 гектар майдондаги боғларни қайта экиш реконструкция қилиш белгиланган.

Мамлакатимиз аҳолисини мева ва сабзавотлар билан йил давомида бир меъёрга таъминлаб бориш учун кенг тармоқли совутиш камераларига эга бўлган омборлар тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 105-сонли қарорига мувофиқ, аҳоли ва ташқи бозорларга йил давомида мунтазам мева-сабзавотларни соф ҳолда етказиб бериш мақсадида 2011-2015 йилларда 120,8 минг тонна сиғимга эга янги совутиш камераларини қуриш ва 49,1 минг тонна сиғимга эга мавжуд совутиш камераларини модернизация қилиш кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини муттасил юксалтириш вазифаси биринчи навбатда суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ва ирригация-мелиорация ҳолатига боғлиқ. Илмий тадқиқот ишларининг натижаларига кўра, ўртача шўрланган ерларда экинларнинг ҳосилдорлиги шўрланмаган ерларга нисбатан 50-60 фоизга, ўта шўрланган ерларда эса 90-100 фоизга паст бўлиши аниқланган.

Ўтган йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тизимларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932-сонли Фармониға мувофиқ, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини 2008-2012 йилларда яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Дастурда мелиоратив тизимларни ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилган қуйидаги тадбирлар мажмуасини амалга ошириш мўлжалланган:

1. Магистраль ва хўжаликлараро зовурлар, мелиоратив тик қудуқларни, мелиоратив насос станцияларини қуриш ва қайта тиклаш, ёпиқ-ётиқ дренажларни тиклаш.

2. Мелиоратив насос станцияларини, гидротехника ва сув ўтказувчи иншоотларни ва бошқа мелиоратив объектларни таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш.

3. Сув хўжалиги қурилиши ва сувдан фойдаланиш ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

### 3.2-жадвал

#### Мамлакатимиз бўйича мелиоратив тадбирларларга ажратилган маблағлар, миллиард сўмда

| Тадбирлар номи                                               | Жами<br>2008-2011<br>йилларда | шу жумладан: |              |              |              |
|--------------------------------------------------------------|-------------------------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
|                                                              |                               | 2008 й.      | 2009 й.      | 2010 й.      | 2011 й.      |
| Мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш ишларига | 225,1                         | 22,4         | 57,3         | 63,8         | 81,6         |
| Мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш ишларига          | 222,9                         | 38,6         | 48,1         | 59,2         | 77,0         |
| Лизинг асосида мелиоратив техникалар етказиб беришга         | 101,9                         | 29,3         | 25,4         | 27,2         | 20,0         |
| <b>Жами</b>                                                  | <b>550,0</b>                  | <b>90,3</b>  | <b>130,8</b> | <b>150,2</b> | <b>178,6</b> |

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган ирригация-мелиорация тадбирларини молиялаштиришга давлат бюджетидан маблағлар ажратиш ишлари давом эттирилмоқда. Жумладан, 2008 йилга бу мақсадлар учун жами 90,3 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 178,6 миллиард сўмга етди. Ўтган 2008-2011 йилларда жами ажратилган маблағлар қиймати 550,0 миллиард сўмни ташкил этди.

2010 йилда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва коммуникация объектлари, қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив қурилишни ривожлантириш билан бир қаторда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш масалалари ҳукуматимизнинг диққат марказида бўлди. Ҳозирги кунда суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив

ҳолатини яхшилаш бўйича қиймати 561 миллион АҚШ долларига тенг бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги 11 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Шундан 2010 йилда қиймати 62,25 миллион АҚШ доллари бўлган 9 та, 2011 йилда эса қиймати 112,9 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 11 та инвестицион лойиҳа асосида ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилди. Амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида 2006-2011 йиллар давомида шўрланмаган майдонлар ҳажми 2 109 минг гектардан 2 192 минг гектарга кенгайиб, кучли шўрланган майдонлар ҳажми 163 минг гектардан 126 минг гектарга қисқарди. Ер ости сизот сувлари сатҳининг чуқурлиги 1,5 метргача бўлган майдонлар ҳажми 2001-2011 йиллар давомида 272 минг гектардан 177 минг гектарга қисқарди.

Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг илғор, замонавий усулларини жорий этишнинг аҳамияти ката. Чунки, республикамиздаги сув танқислиги шароитида суғоришнинг замонавий усулларини қўллаш орқалигина аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мумкин. Кейинги йилларда мамлакатимизнинг бир қатор ҳудудларида экинларни суғоришнинг янги технологиялари синовдан ўтмоқда ва қўллашга тавсия этилмоқда. Биргина 2011 йилнинг ўзида 1571 гектар ерга томчилатиб суғориш технологияси, 543 гектарга эгатга полиэтилен плёнка тўшаб суғориш тизими, 753 гектарга кўчма ва эгилувчан қувурлар орқали суғориш тизими жорий этилгани диққатга сазовордир.

Мухтасар қилиб айтганда, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида:

- суғориладиган ерларда ер ости сувлари сатҳи ва шўрланиш даражаси пасайиб, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланмоқда;
- хўжаликларни сув билан таъминлаш тизими яхшиланиб бормоқда;

- қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ортиб, хўжаликларининг даромадлари юксалмоқда.

Пировард натижада ерларнинг унумдорлиги, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги сезиларли даражада ошмоқда.

### 3.3-жадвал

#### 2006-2011 йилларда мамлакатимиз бўйича янги сотиб олинган қишлоқ хўжалиги техникалари

| Техникалар номи       | 2006 йил    | 2007 йил    | 2008 йил    | 2009 йил    | 2010 йил    | 2011 йил    | 2006-2011 йиллар давомида жами |
|-----------------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|--------------------------------|
| Тракторлар, жами      | <b>2211</b> | <b>1652</b> | <b>2231</b> | <b>3007</b> | <b>2671</b> | <b>2124</b> | <b>13896</b>                   |
| Хайдов тракторлари    | 634         | 164         | 454         | 191         | 378         | 546         | 2367                           |
| ш.ж.юқори унумли      | 2           | 6           | 6           | 36          | 83          | 297         | 430                            |
| Чопиқ тракторлари     | 1182        | 1293        | 1174        | 1697        | 1359        | 1098        | 7803                           |
| Трактор тиркамалари   | 368         | 250         | 348         | 1421        | 691         | 882         | 3960                           |
| Культиваторлар        | 503         | 279         | 440         | 1433        | 633         | 315         | 3603                           |
| Чигит сеялкалари      | 352         | 178         | 237         | 215         | 320         | 552         | 1854                           |
| Плуглар               | 130         | 90          | 117         | 244         | 67          | 153         | 801                            |
| Дон ўриш комбайнлари: | 116         | 93          | 332         | 123         | 167         | 245         | 1076                           |
| ш. ж. юқори унумли    | 55          | 52          | 86          | 110         | 167         | 245         | 715                            |

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда тармоқни юқори унумли техника ва технологиялар билан таъминлашнинг аҳамияти беқиёсдир. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган хайдов ва чопиқ тракторлари ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналарининг катта қисми эскириб, ўз хизмат муддатини ўтаб бўлгани сир эмас. Шунингдек, бундай техникаларнинг иш унуми, ёқилғи сарфлаш меъёрлари замонавий талабларга жавоб бермаслиги оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш таннархи ошиб кетмоқда. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигига юқори унумли, замонавий ва ресурсларни тежайдиган техникаларни жалб этиш, бу борада аввало чет элнинг илғор компаниялари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш талаб этилади. Жумладан, Германиянинг «Класс» компанияси билан замонавий, иш унуми юқори бўлган тракторлар, ғалла ўриш

комбайнлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.


Қишлоқ хўжалиги техникаларини янгилаш бўйича олиб борилаётган мақсадли тадбирлар натижасида кейинги 6 йил ичида жами 13896 та трактор, 3960 та трактор тиркамаси, 3603 та культиватор, 1076 та дон ўриш комбайни ва бошқа юқори унумли техникалар харид қилинган.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш дастурида деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик тармоғини модернизация қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сир эмаски, республикамизнинг чорвачилик тармоғи жадал ривожланиб бораётган тармоқлардан бири бўлишига қарамай, соҳада ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, чорва молларининг маҳсулдордор ва касалликларга чидамли зотларини етишмаслиги, чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини яратиш борасидаги муаммолар шулар жумласидандир.

Республикамиз ҳукуматининг чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш дастурларида асосий эътибор чорва молларининг наслини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш, тармоқда сервис хизматини ривожлантириш ва чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган. Бунинг учун:

- чорвачилик тармоғининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш;
- наслчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш;
- тармоқда сервис хизмати, жумладан, зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифати ва ассортименти ошириш;
- паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик соҳаларини ривожлантириш;
- чорва молларини юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш;

- озуқа экинлари майдонларини кенгайтириш ва оптимал жойлаштириш, лалми ерларда чорва моллари учун озуқа етиштириш кўламини кенгайтириш тадбирлари амалга оширилмоқда.



3.5-расм. Республикамизга хорижий мамлакатлардан келтирилган насли қорамоллар сони

Кейинги йилларда юртимизда чорвачилик тараққий этган мамлакатлардан зотдор молларни олиб келиб, урчитишни ташкил этишга жиддий эътибор берилляпти. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 2006-2011 йиллар давомида республикамизга хориждан жами 23286 бош насли қорамол келтирилган.

Республикамиз ҳукумати томонидан мамлакатимизда чорвачиликнинг паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларини ривожлантириш борасида ҳам мақсадли дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси халқимизнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини барқарор қондиришга муҳим ҳисса қўшиши шубҳасиз.

## ХУЛОСА

Туркияда аграр сектор ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беришга қаратилган магистрлик диссертацияси натижаларини умумлаштириш қуйидаги хулосаларга келиш ва таклифлар ишлаб чиқиш имконини берди:

1. Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар тизимида аграр ислохотлар алоҳида аҳамиятга эга. Бу, энг аввало, аграр ишлаб чиқаришнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва роли билан белгиланади. Аграр муносабатларнинг асосини ер муносабатлари ташкил этади. Ер ҳар қандай давлат миллий бойлигининг муҳим манбаси ва моддий неъматлар ишлаб чиқаришнинг табиий асоси ҳисобланиб, жамият мавжудлигининг асосий шартидир.

2. Ер қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун маконгина бўлиб қолмай, балки бир пайтнинг ўзида ҳам меҳнат предмети ва воситаси, ҳам асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб хизмат қилади. Ернинг бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фарқли бир қатор хусусиятлари мавжуд бўлиб, бу хусусиятлар қишлоқ хўжалиги юритиш самарадорлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

3. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2000-2011 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 5,5 мартага ўсган бўлса, қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 10,1 фоиздан 8,1 фоизгача, жами бандлардаги улуши 36 фоиздан 12,5 фоизгача пасайди. Айни вақтда қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони 7769 минг кишидан 4987 минг кишигача, яъни 37,8 фоизга қисқарди. Бу шундан далолат берадики, Туркия иқтисодиётида юз бераётган таркибий ўзгаришлар жаҳон иқтисодиёти ривожланиши тенденцияларига мос келади.

4. Қишлоқ хўжалигининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва ролига баҳо беришда унинг экспортда улуши муҳим ўрин тутди. 1980 йилларнинг бошларида бошланган реструктуризация саъй-ҳаракатлари

хусусийлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида савдо тўсиқларини бартараф этиш чоралари билан биргаликда ички бозорга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатди. Бунинг натижасида қайта ишланган маҳсулотларни ҳисобга олмаганда Туркияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти 5 млрд. долларни ташкил этди. Ваҳоланки, 2002 йилда бу кўрсаткич 2 млрд долларни ташкил этар эди.

5. Бизнинг фикримизча, қуйидаги омиллар туфайли Туркия тадбиркорларни қишлоқ хўжалиги секторига инвестиция киритишлари учун қулай муҳитни таклиф қилиши мумкин:

- мамлакат географик жиҳатдан қулай жойлашган, яъни иқлимнинг қулайлиги ва мамлакатнинг йирик бозорларга яқинлиги;
- меҳнат талаб қилувчи озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда рақобатбардош ишчи кучининг етарли эканлиги;
- хом ашё ресурсларининг деярли барчаси етарли эканлиги;
- мамлакатда ҳали ҳам йирик суғориш тизимлари шаклидаги, инфратузилмани мукамаллаштириш ва кичик майдонли унумдор ерларни бирлаштириш каби давлат инвестицияларининг мавжудлиги ва ҳоказо.

6. Туркиядаги агробизнеснинг асосий кўрсаткичлари:

- Туркия қуруқ анжир, ёнғоқ, майиз ва баргак ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги етакчи мамлакатдир;
- 2011 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларнинг умумий экспорти 11,1 млрд долларга етди;
- Туркия минтақада энг катта сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи давлат ҳисобланади. Туркияда 11000 хилга яқин ўсимликлар етиштирилади, Бутун Европада эса бу кўрсаткич 11500 хилни ташкил қилади;
- 2011 йилда Туркиядаги органик ерлар майдони 141752 гектарга, 241 хил экинлар ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми эса 415380 метрик тоннага етди.

7. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Туркиянинг жами қишлоқ хўжалигига яроқли ерлари 2011 йилда 19,7 млн. гектарни ташкил этган. Бу 2000 йилга нисбатан 14,4 фоизга камдир. Жами қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг қарийб 80 фоизини экин майдонлари ташкил этади. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, жами экин майдонининг 2000 йилда 26,5 фоизи, 2011 йилда эса 25,6 фоизи ҳайдаладиган ерлардан иборат бўлган. Бу шундан далолат берадики, экин майдонларига нисбатан ҳайдаладиган ерлар майдони юқорида суръатларда қисқарган. Агар 2000-2011 йилларда экин майдонлари 13,8 фоизга қисқарган бўлса, ҳайдаладиган ерлар 16,8 фоизга қисқарган.

8. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 2000 йилда 793 минг гектарини сабзавотлар, 1418 минг гектарини мева ва бошқа резаворлар, 535 минг гектарини узумзорлар, 600 гектарини зайтунзорлар ва 20703 минг гектарини ўрмон ерлари ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич мувофиқ равишда 810, 1820, 473, 798 ва 21537 минг гектарни ташкил этган. Кўриниб турибдики, деярли барча қишлоқ хўжалиги экинларига ажратилган ер майдонлари ўсиш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, 2000-2011 йиллар давомида сабзавотлар майдони 2,1 фоизга, мева ва бошқа резаворларга ажратилган ер майдонлари 28,3 фоизга, токзорлар 12,5 фоизга, зайтунзорлар 33 фоизга ва ўрмон майдонлари 4 фоизга ўсган.

9. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг аксарият қисмида Туркияда донли экинлар экилади. Хусусан, 2000 йилда буғдой экилган майдонлар 9400, арпа – 3629 ва маккажўхори – 555 минг гектарни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб буғдой ва арпа майдонлари мос равишда 14,9 ва 21 фоизга қисқарди ҳамда 8096 ва 2868,8 минг гектарни ташкил қилди. Маккажўхори майдонлари эса бирмунча ошиб (6,1 фоизга) 589 минг гектарга етди. Шунга қарамадан 2000-2011 йилларда Туркияда донли экинларнинг ялпи ҳосили ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлди.

10. Агар 2000 йилда Туркияда жами 31300 минг тонна донли экинлар етиштирилган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 33600 минг тонна донли

экинлар етиштирилди. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида буғдой ишлаб чиқариш ҳажми 3,8 фоизга, маккажўхори ишлаб чиқариш ҳажми эса 31,1 фоизга ўсган бўлса, арпа ишлаб чиқариш ҳажми 5 фоизга камайди.

11. Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ялпи ҳосилига иккита омил таъсир кўрсатади: экин майдони ҳажми ва ҳосилдорлик. Бу омиллардан биринчисини экстенсив, иккинчисини эса шартли равишда интенсив омил деб олиш мумкин. Экстенсив ва интенсив омилларнинг донли экинлар ялпи ҳосилига таъсирини кузатадиган бўлсак, сўнгги йилларда Туркияда интенсив омиллар таъсири юқори бўлаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

12. Гарчи буғдой экин майдони қисқарган бўлса-да, ялпи ҳосил ҳажми ошган ва бу, энг аввало, ҳосилдорлик ошиши эвазига юз берган. Хусусан, 2000 йилга нисбатан 2011 йилда буғдой ҳосилдорлиги 22,3 центнер/гектардан 26,9 центнер/гектаргача, яъни 20,5 фоизга ўсган. Арпа ҳосилдорлиги ҳам деярли шундай ўсган бўлса, маккажўхори ҳосилдорлиги таҳлил қилинаётган давр мобайнида 13,1 центнер гектардан 21,2 центнер гектаргача, яъни 62,2 фоизга ўсган. Бундай ўзгаришлар Туркия аграр ишлаб чиқаришини механизациялаштириш, интенсивлаштириш ва бу секторнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аграр ишлаб чиқариш жараёнига фан-техника тараққиёти натижаларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишларнинг амалга оширилаётганлиги билан боғлиқ. Айни дамда қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун ер муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ўз ижобий натижаларини бермоқда.

13. Туркия Республикасида пахтачилик тармоғи ривожланиши ҳақида сўз юритганда, бу соҳада ҳосилдорликни ошириш борасида эришилган ютуқларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, 2000-2011 йилларда Туркияда пахта ҳосилдорлиги 30,8 фоизга ўсди. Агар 2000 йилда ҳар гектар майдондан 1345 кг пахта толаси олинган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 1761 кг га етди. Пахта ҳосилдорлиги бўйича Туркия Исроил ва

Австралиядан сўнг учинчи натижага эришди. Ваҳоланки, XX асрнинг 90-йиллари бошларига қадар мамлакат пахта ҳосилдорлиги бўйича 780 кг/гектар кўрсаткич билан Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистондан анча орқада эди (у даврда Ўзбекистонда пахта толаси ҳосилдорлиги 800 кг/гектардан юқори эди).

14. 2000-2011 йиллар давомида Туркия Республикасида пахта майдони 17,2 фоизга қисқаргани ҳолда унинг ҳосилдорлиги 30,9 фоизга ўсган. Бу эса ўз навбатида ялпи ҳосилнинг 8,5 фоизга ўсишини таъминлаган. Бу шундан далолат берадики, сўнгги йилларда Туркияда аграр соҳани давлат томонидан тартибга солиш меҳнзми самарали тарзда йўлга қўйилган. Пахта ишлаб чиқаришда уруғчилик ва селекциядан бошлаб уни етиштириш, йиғиб-териб олишгача бўлган жараёнга пахтачилик соҳасида қўлга киритилган фан-техника ютуқларини жорий этишга, пахта етиштиришдан фермерларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор қилинмоқда.

15. 2011 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 17,1 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келди. Аграр тармоқ юртимиз аҳолисининг салмоқли қисмини иш ўринлари билан таъминлаб келмоқда. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи республикаимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорлари**

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2011. - 40 б.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисидаги”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б.29-46.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б.65-76.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б.77-99.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисидаги”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б.159-163.
- 1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонуни. 1996 йил 27 декабрь.
- 1.7. Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги қонуни. 1996 йил 27 декабрь.

### **2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари**

- 2.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. - Т.: “Ўзбекистон”, 1992. – 74 б.
- 2.2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. - 66 б.

- 2.3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари - Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 74 б.
- 2.4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 269 б.
- 2.5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 326 б.
- 2.6. Каримов И.А. Мулкдорлар синфни шакллантириш - ислохотларнинг бош мезони. //Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. - Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 5-том. -332-339 б.
- 2.7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. - 48 б.
- 2.8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 96 б.
- 2.9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
- 2.10. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
- 2.11. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.
- 2.12. Каримов И.А. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги бошқичга кўтарадиган йил бўлади //2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. - “Халқ сўзи”, 2012, 20 январь.

2.13. Каримов И.А. Бош мезонимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш //Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2013, 19 январь.

### **3. Асосий адабиётлар**

- 3.1. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.
- 3.2. Алтиев А.С., Тошқулов А.Х. Ер солиғи: назария ва услубият. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2007. – 108 б.
- 3.4. Баденко В.Л., Гарманов В.В., Осипов Г.К. Государственный земельный кадастр – СПб.: Питер, 2007. – 320 с.
- 3.5. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. – Т.: Истиклол, 2004. – 340 б.
- 3.6. Зокиров О., Пардаев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.:ЎАЖБНТ маркази, 2003. -455 б.
- 3.7. Исмоилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. – Тошкент, 2003. – 430 б.
- 3.8. Каюмов Ф.К. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку. – М.: ИПО “Полигран”, 1992. -160 с.
- 3.9. Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. – М.: КОЛОСС, 2010. – 432 с.
- 3.10. Комов Н.В. Управление земельными ресурсами России. – М.: РУССЛИТ, 2003. – 168 с.

- 3.11. Конаков М.А., Конаков А.П. Организация и экономические основы фермерских хозяйств. – М.: Академия, 2004. – 256 с.
- 3.12. Коптев-Дворников В., Цыпкин. Оценка земель сельскохозяйственных предприятий. – М.:ЮНИТИ, 2000. – 119 с.
- 3.13. Кухтин П.В., Левов А.А., Лобанов В.В., Семкина О.С. Управление земельными ресурсами. – СПб.: Питер, 2005. – 384 с.
- 3.14. Маматкулов А.В. Қишлоқ хўжалигида суғориладиган шўрхок ерлардан самарали фойдаланиш. –Т.: Чўлпон, 2007. – 133 б.
- 3.15. Макарец Л.И., Макарец М.Н. Экономика производства сельскохозяйственной продукции. – Санкт-Петербург, 2002. – 224 с.
- 3.16. Нигматов А. Ер ҳукуқи. – Т.:ТДИУ, 2001. –224 б.
- 3.17. Рабинович Б. Экономическая оценка земельных ресурсов и эффективности инвестиций. – М.: Филинь, 1997. – 224 с.
- 3.18. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Хакимов Р.Х., Ўроқов Н.И., Арипов И.М. Жаҳон қишлоқ хўжалиги. – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.
- 3.19. Талипов Ғ. Ўзбекистон ер кадастри асослари. – Т.: Молия, 2007. – 188 б.
- 3.20. Ульченко Ю.А., Мамедова Н.М. Особенности экономического развития современных мусульманских государств (на примере Турции и Ирана). – М., 2006. – 245 с.
- 3.21. Умурзоков Ў., Тошбоев А.Ж., Тошбоев А.А. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 228 б.
- 3.22. Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истикболлари. –Т.: Янги авлод, 2004. – 143 б.
- 3.23. Хакимов Р., Отакулов М., Юсупов Е., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2004. – 160 б.
- 3.24. Хотамов О.Қ. Қишлоқ хўжалик техникаси лизингига инвестициялар жалб этиш жараёнларини моделлаштириш. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 142 б.

- 3.25. Хусанов Р.Х., Додобоев Ю.Т., Додобоев Д.Ю. Агросаноат комплекси иқтисодиёти. – Тошкент, 2003. – 764 б.
- 3.26. Чориев Қ., Хушматов Н. Дехқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш. –Т.: Шарқ, 2002. – 32 б.
- 3.27. Яворская А.О., Драчева Е.Л., Христов Т.Т. Страноведение – Испания, Кипр, Турция, Египет. – М., 2007. – 254 с.

#### **4. Журнал ва илмий тўпламлардаги мақолалар**

- 4.1. Алтиев А. Ер қиймати баҳоланишидаги иқтисодий асослар //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2001. – №4-5. – Б.18-19.
- 4.2. Алтиев А. Ер ижараси муносабатлари қай тартибда ташкил этилади? // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2001. – №6. –Б.12-13.
- 4.3. Брыжко В. Методология экономической защиты земель сельскохозяйственного назначения // Аграрная наука. – М., 2004. – №7. – С. 5-6.
- 4.4. Башаров В.А. Выявление и изъятие рентного дохода // Аграрная наука. – М.,2003. – №3. – С.11-12.
- 4.5. Войтович Н.В., Чумаченко И.Н. Стратегия повышения плодородия почв и применения удобрений. //Вестник Российской академии сельскохозяйственных наук. – М., 2002. – №1. – С. 49-52.
- 4.6. Иванов Е. Актуальные вопросы эффективного использования качественной оценки сельскохозяйственных земель // Международный сельскохозяйственный журнал. – М., 2003. – №3. – С. 51-52.
- 4.7. Корнева Н.Н., Бундина О.И. Налогообложение сельскохозяйственных земель // Аграрная наука. – М., 2004. – №1. – С. 5-6.
- 4.8. Папцов А. Система налогообложения в сельском хозяйстве зарубежных стран // АПК: экономика, управление. М., 2008. – №3. – С. 46-51.

- 4.9. Попов Н. Стимулирующая роль кадастровой экономической оценки земель и государственная поддержка агробизнеса. // Международный сельскохозяйственный журнал. – М., 2007. – №6 – С. 51-52.
- 4.10. Сапожников И.М., Третьяков Г.Б. Особенности определения рыночной стоимости земельных участков сельскохозяйственных угодий. //Доклады Российской академии сельскохозяйственных наук. – М., 2007. – №3. – С. 4.

## **5. Хорижий тилдаги адабиётлар**

- 5.1. Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. A Selected. Edited with an introduction and Notes by Kathrin Sutherland. – Oxford University Press, 1998 – P.618.
- 5.2. Anne O. Krueger. Trade Policy and Economic Development: How We Learn. – National Bureau of Economic Research, Working Paper 5896, January 1997. – P. 7-9.
- 5.3. Audretsch, David B. Industrial Organization and The New Industrial Policy. London, Centre for Economic Policy Research, (Discussion Paper Series), October 1998. – P.51.
- 5.4. Balassa, B. The Theory of Economic Integration. – London: Georg Alien & Unwin, 1962. – P.822.
- 5.5. Bertil Ohlin. Interregional and International Trade. - Cambridge: Harvard University Press, 1933. – P.625.
- 5.6. Bhagwati, Jaddish N. and Srinivasan, T.N. A General Equilibrium Thory of Effective protection and Resourse Allocation. – Journal of International Economics, Vol. 3. – P. 259-28.
- 5.7. Bruno and Chenery or Chenery and Bruno. Development Alternatives in an Open Economy: The Case of Israel. – Economic Journal, 1962. – March, №285; Vol. 72. – P.79-103.

- 5.8. Chenery, Hollis B. and Strout, Alan. Foreign Assistance and Economic Development. – American Economic Review, 1966, September, Vol. 56. – P. 679-733.
- 5.9. Stiglitz, Jozef T. Towards a New Paradigm for Development: Strategies, Policies and Process. – Geneva, 1988. – P.56-89
- 5.10. Samuelson Paul. International Trade and the Equalization of Factor Prices. – Economic Journal, 1948. - №58. – P. 163-184.
- 5.11. Turkiye ekonomisi (Tarihsel gelisme – bugunki durumu). – Istambul, 1996. – 245 б.

## **6. Статистик тўпламлар**

- 6.1. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил статистик ахборотномаси. – Т., 2006. – 97 б.
- 6.2. Ўзбекистон иқтисодиёти: Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2007 йил. – Т., 2008. – 128 б.
- 6.3. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил статистик ахборотномаси. – Т., 2008. – 102 б.
- 6.4. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил статистик ахборотномаси. –Т., 2008. – 145 б.
- 6.5. Йиллик статистик тўплам 2008. /Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2009. – 386 б.
- 6.6. Статистическое обозрение Узбекистана за 2009 год. – Т., 2010. – 87 с.
- 6.8. Содружество Независимых Государств в 2011 году. – М., 2010. – 244 с.
- 6.9. Экономка Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень. – Т., 2010. – 70 с.
- 6.10. Экономка Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень. – Т., 2011. – 75 с.

6.11. İSTATİSTİK GÖSTERGELER Statistical Indicators 1923-2011 / TÜRKİYE  
İSTATİSTİK KURUMU Turkish Statistical Institute. – Ankara, 2012. –  
P.184.

## **7. Интернет манбалари**

- 7.1. [www.aisa.org.af/migration\\_delawri.htm](http://www.aisa.org.af/migration_delawri.htm)
- 7.2. [www.iwpr.org](http://www.iwpr.org)
- 7.3. [www.osce.org](http://www.osce.org)
- 7.4. [www.rus.gateway.kg/migration](http://www.rus.gateway.kg/migration)
- 7.5. [http://statik.iskur.gov.tr/tr/rapor\\_bulten/2010\\_yili\\_faaliyet\\_raporu.pdf](http://statik.iskur.gov.tr/tr/rapor_bulten/2010_yili_faaliyet_raporu.pdf)
- 7.6. [www.deik.org.tr](http://www.deik.org.tr)
- 7.7. [www.die.gov.tr](http://www.die.gov.tr)
- 7.8. [www.tcmb.gov.tr](http://www.tcmb.gov.tr)
- 7.9. <http://www.turkstat.gov.tr>